Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 124 (8114). ● 1 июль, 1983 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин.

ТЎРТИНЧИ ПАРВАРИШ ТУГАЛЛАНДИ

КОММУНИСТИК районидаги «Правда» колхозининг республикада хизмат кўрсатган пахтакор Нуриддин Фатхуддинов етакчилик қилаётган бригадаси аъзолари ўтган юбилей йилини муваффақиятли якунлаган эдилар. Улар бу йил ҳам юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилишяпти. Бригада аъзолари мавжуд 93 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 37 ўрнига 45 центнердан «оқ олтин» хирмони уйишга қарор қилишган.

Ҳозир далаларни айланган киши деҳқонлар мўл ҳосилга мустаҳкам замин ҳозирлаётганликларининг гувоҳи бўлади. Бригадада ҳар бир агротехника тадбири ўз вақтида, сифатли ўтказилмоқда. Шу кунгача барча майдонларга тўрт марта комплекс ишлов берилди, ғўзалар икки марта озиқлантирилди. Айни пайтда суғориш ишлари кучайтирилган.

Культивацияни сифатли ўтказишда механизаторлардан Турсунмат Туронқулов, Раҳим Исмоиловларнинг хизматлари катта бўлаяпти. Серик Абдуллаев, Аширбой Тошев, Тоғай Ражабов, Эркабой Азимбоев сингари сувчилар эса об-ҳаётдан тежаб-тергаб фойдаланиб, бир литр сувдан икки литр сув самарасини олиш учун курашишяпти. Шоҳида Шажомолова, Абиба Қўшмонова, Тамара Ўрисбоева, Раҳим Ҳамидов, Сабоҳат Азимбоева ва Бахтиёр Бекжонов каби деҳқонлар бегона ўтларга қарши курашда бошқаларга намуна бўлишяпти.

М. ҲАСАНОВА.

КЕНГ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ МЎЛ ВА СИФАТЛИ БЎЛСИН

Барча совет кишилари қатори областимиз меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорларидан бенҳоя руҳланиб, коммунистик қурилишнинг улуғвор режаларини амалга ошириш йўлидаги куч-ғайратлари, яратувчилик меҳнатларини янада авж олдириб юбордилар. Жонажон партиямиз Марказий Комитетининг июнь Пленуми ҳам Коммунистик партиянинг совет кишиларининг фаровонлигини оғишмай оширишдан кўра юксак мақсади, масъулиятлироқ вазифаси йўқлигини яна бир бор таъкидлади ва халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кўпайтириш, ассортиментини кенгайтириш, сифатини оширишни халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун муштарак, шарафли вазифа бўлиб қолиши лозимлигига эътиборни қаратди. «...Харидоргир бўлган зарур миқдордаги молларни ҳам ишлаб чиқариш керак, — деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов, партия Марказий Комитетининг июнь Пленумидаги нутқида. — Бунда сифат кўрсаткичлари ҳеч қандай истисносиз энг юксак даражада бўлиши керак».

Областимизда халқ турмушининг ҳамма томонларини яхшилаш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар комплексида кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилашга катта эътибор берилаётганлиги ҳам шундандир. Область партия-хўжалик активининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида аҳолининг бундай молларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш масалалари изчиллик билан атрофлича муҳокама қилинди. Бу муҳим социал ва иқтисодий аҳамиятга молик ишда эришилган ютуқлар қайд қилингани ҳолда йўл қўйилаётган камчиликлар, ҳал этилмаётган муаммолар қайд қилиб ўтилди.

Пойтахт областимизда енгил, озиқ-овқат, мебель, маҳаллий ва саноатнинг кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи бошқа тармоқлари йилдан-йилга ривожланмоқда. Фақатгина ўн биринчи беш йилликнинг ўтган даврида экономиканинг шу соҳаларини юксалтиришга 300 миллион сўмликка яқин капитал маблағ сарфланди.

Аксарият корхоналар коллективлари халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини оширишда муайян ютуқларни қўлга киритмоқдалар, давлат планлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар. Топшириқдагига қўшимча кўплаб кийим-кечаклар, мебель, рўзғор буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моллар меҳнаткашлар эҳтиёжлари учун етказиб берилмоқда.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда ютуқлар қатори камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Агар ҳамма жойда мавжуд резервлар янада активлик билан ишга солинганида бу соҳадаги пировард натижалар анча салмоқлироқ бўларди. Афсуски, айрим шаҳар ва район партия комитетлари, корхоналар маъмурияти ва бошланғич партия ташкилотлари ўз ишларини даврнинг талаблари асосида ҳали ҳам қайта қурмаганлар, харидоргир, рўзғорбоп, серталаб товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалалари билан лозим даражада шуғулланишмаяпти. Олмалиқ шаҳар, Қуйбишев ва Собир Раҳимов район партия комитетларининг шу йўлда рационал ишламаётганликлари кўзга ташланмоқда.

Ўн биринчи беш йиллик марказий йилида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш плани ортиғи билан бажарилаётганлиги ҳолда 36 корхонанинг иш натижаси кўнгилдагидек бўлмади. Улар планнинг уддасидан чиқа олмадилар. Оқибатда аҳолига 2,3 миллион сўмлик кам маҳсулот етказиб бердилар. 46 корхона коллективи эса бундай товарлар ишлаб чиқаришнинг ўтган йилдагига нисбатан 1,8 миллион сўмлик камайиб кетишига йўл қўйдилар. «Узбитхим» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узбексельмаш», «Ташавтоматика», «Чирчиксельмаш» заводлари, «Лаззат» кондитер ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа айрим корхоналар план ва қўшимча топшириқларнинг бажарилишинк таъминламаяптилар.

Аҳоли эҳтиёжи учун маҳсулотлар етказиб беришдек шарафли вазифа зиммасига юклатилган қатор саноат корхоналари коллективлари товарлар турларини кенгайтириш, замон талабларига, халқимизнинг кун сайин ошиб бораётган диндиг мос янги буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, сифатини яхшилашда сезиларли силжишларга эришмаяптилар. Айниқса, Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси 50 йиллиги номли, «Малика», «Ғунча» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмалари, барча пойабзал корхоналарида шундай аҳвол давом этмоқда.

Биргина Тошкент пойабзал савдоси шу йилнинг ўтган беш ойида областимиздаги корхоналарда ишлаб чиқарилган бир миллион юз минг сўмликдан кўпроқ оёқ кийимлари сифати ёмонлиги учун бракка чиқарди. Уларнинг деярли тўқсон процента нуқсонларини бартараф этиш учун корхоналарга қайтариб юборилди.

Бу масалада республикамиз пойтахтидаги иккинчи пойабзал фабрикаси жуда ҳам оқсамоқда. Корхонада ишлаб чиқарилган оёқ кийимларининг сал кам тўққиз юз минг сўмлиги савдо ташкилотлари томонидан бракка чиқарилган ва деярли ҳаммаси нуқсонларини бартараф этиш учун фабрикага қайтариб юборилган. Биринчи пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси, Чирчиқ пойабзал фабрикасида ҳам ишнинг сифат кўрсаткичлари талаб даражасида бўлмай, кўплаб бракка йўл қўйилмоқда. Чирчиқ, Янгийўл пойабзал фабрикалари олий категориядаги маҳсулот ишлаб чиқариш топшириқларини бажармаяптилар.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг кўпгина резервлари ҳамон жуда суст фойдаланилаётганлиги, жойларда бу муҳим иш билан лозим даражада шуғулланмаётганлиги афсусланарлидир.

Аниқса, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва маҳаллий хом ашёдан моллар тайёрлашни йўлга қўйишда сусткашлик ҳукм сурмоқда. Шу сабабли ҳам бундай материаллардан фойдаланиш планлари сурункасига ўзгаланмаяпти. Йилимизнинг ўтган тўрт ойида у планга нисбатан 96,7 процентни ташкил этди, холос. Ўнлаб корхоналар маҳаллий хом ашё ва чиқиндилардан фойдаланиш планини бажармади. Олмалиқ ғилам фабрикаси, Ғазалкент тўқимачилик комбинати, Калинин хўжалик-рўзғор буюмлари комбинати, Олмалиқ тикувчилик фабрикаси ва бошқа корхоналар шулар жумласидандир.

Халқ эҳтиёжлари учун моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини ошириш, уларнинг хилма-хил бўлишини таъминлашга ҳисса қўшиш бенисбисо ҳар бир саноат корхонаси коллективининг муқаддас вазифаси бўлиб қолмоғи керак. Шу мақсад йўлида барча резервлар ва имкониятлардан, аввало маҳаллий хом ашё ва ишлаб чиқариш чиқиндилари, мавжуд қувватлардан тўла фойдаланиш лозим.

Жойлардаги партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари ҳар бир корхонада кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарилиши аҳволини чуқур таҳлил қилишлари, меҳнат коллективларига бундай муҳим маҳсулотлар тайёрлаш планларининг сўзсиз бажарилиши учун барча шароитларнинг яратиб берилишига эришишлари, бу масалада уларга зарур бўлган ҳамма ёрдамни кўрсатишлари даркор.

Кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ҳар томонлама кўпайтириш, ассортиментини кенгайтириш, айниқса сифатини яхшилаш бўйича партиямиз кўрсатмаларини тўла-тўкис амалга ошириш учун ҳамма чораларни кўриш, бу йўлда барча ишларни қилиш зарур. Бу шу кунниг муҳим ва долзарб масаласи, халқ фаровонлигини оширишнинг муҳим таркибий қисми эканлигини ҳар доим эсда сақламоқ лозим.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

ТОШКЕНТ область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети ғаллани ўриб-йиғиб олиш ва давлатга дон сотиш юзасидан районлар, колхозлар, совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1983 йил 26 июнгача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Оққўрғон районига (район партия комитетининг секретари Маҳсумов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Ким, район комсомол комитетининг секретари Абдуллаев, район агросаноат бирлашмаси Совети раиси Усмонов ўртоқлар). Бу районда бошоқли дон экинларини ўриб-йиғиб олиш тугалланган ва давлатга дон топшириш йиллик плани 30,8 процент бажарилган.

Оққўрғон районидаги Навоий номли колхозга (раиси Исроилов, партия комитетининг секретари Саидаҳмедов, касаба союз комитетининг раиси Саидакбаров, комсомол комитетининг секретари Мардалиев ўртоқлар). Бу колхозда бошоқли дон экинлари ўрим-йиғими тугалланган ва давлатга дон топшириш йиллик плани 118,7 процент бажарилган.

Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхозига (директори Қозоқбоев, партия комитетининг секретари Шукуралиев, ишчилар комитетининг раиси Ҳамроқулов, комсомол ташкилотининг секретари Мирзақулов ўртоқлар). Бу совхозда бошоқли дон экинлари ўрим-йиғими тугалланган ва давлатга дон топшириш йиллик плани 128 процент бажарилган.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Оққўрғон районига, шу райондаги Навоий номли колхозга ва Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхозларига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

УНИ МИРОБ ДЕЙДИЛАР

ИСМАТ ака карта бошига келди-да эгатлардаги сувни кўздан кечирди. Ўртарақдаги икки ариқдан сув бирмунча кўпроқ оқаётган эди. У қулоқдаги плёнкани тўғрилаб, ёнига лой бостириб, сув миқдорини камайтирди. «Қиялик ерлар-да, ҳаёлидан ўтказди у, бирпас қаралмаса «қулоғи» бўшашиб, ариқчадаги сув кўпайиб кетади».

Ўртоқ И. Кияков салкам 30 йилдан буён шу касбда меҳнат қилиб келяпти. Тиниб-тинчимаслиги, жонкуярлиги, ўз тажрибасини ёшларга сабот билан ўргатиши, қолаверса ажойиб инсоний фазилатларга эга эканлиги туфайли қишлоқда ҳурмат қозонди.

Бекобод районидаги Ойбек номли совхозининг Раҳмат Аҳмедов бошлиқ бригадасида бундай фидойилар кўп. Эсонбой Жўраев ва Ҳамидали Оллоёров каби механизаторлар ўзларининг жонкуярликлари билан намуна бўлмоқдалар. Улар ўзаро мусобақалашиб ишлаб, кунига 10—11 гектар майдондаги ғўзани сифатли культивация қилишяпти.

Д. БОҚИЕВ.

ХИРМОН ТЎЛА ДОН

ЧИНОЗ районидаги Охунбобоев номли колхоз ғаллакорлари давлатга бошоқли дон сотиш планини бажардилар. Қабул пунктларига 60 тонна дон етказиб берилди.

Бу йил хўжаликнинг лалмикор майдонларидаги ғаллазорларида мўл ҳосил етиштирилди. Уни ўриб-йиғиб олиш ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилди. Комбайнчилар Абдурасул Мамараимов ва Абдураззоқ Қурбоновлар фидокорона меҳнат қилиб, ғалла ўрим-йиғимини жадал суръатларда олиб бораётирлар. Юк машинаси шофёри Жарқинбой Сиддиқов йиғиштириб олинаётган ҳосилни пешма-пеш қабул пунктларига етказиб беряпти.

Колхозда ғалла ўрим-йиғими давом этмоқда. Ҳозирги пайтда етарли миқдорда уруғлик ва чорва моллари учун озуқа жамғариб қўйиш чоралари ҳам кўриляпти.

Э. МАДИЕРОВ.

АРПАДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ

ОҚҚЎРҒОН районидаги Охунбобоев номли колхоз ғаллакорлари бу йил 100 гектар суғориладиган ерда арпадан мўл ҳосил етиштирдилар. Айни кунларда ўрим-йиғим ишлари ниҳоясига етказилди. Комбайнчилар ўртасидаги мусобақада Холис Тонготаров пешқадамлик қилди. У ҳар куни 8—10 гектар майдондаги арпани ўриб, нормасини ортиғи билан бажармоқда.

Ўрилган ва янчилган ғалла пешма-пеш қабул пунктларига етказиб берилмоқда. Бунда шофёрлардан Орзиқул Умаров, Шокир Умурзоқовлар, айниқса, ғайрат кўрсатмоқдалар.

Арпа сомони пресланиб, чорва қишлови учун тайёрлаб қўйилмоқда. Хўжаликда ем-хашакнинг бошқа турларидан ҳам кўплаб озуқа жамғарилмоқда. Жумладан, 220 гектар майдондаги беда яхши парвариш қилиниб, мўл ҳосил етиштирилди. Иккинчи ўрим барвақт тугалланди. Озуқакорлар бедани бутун йил давомида камида олти марта ўриб, гектаридан 250 центнердан пичан олиш учун курашмоқдалар.

Қ. АБДУРАҲМОНОВ.

КАРАМДАН СЎНГ КАРТОШКА

КАЛИНИН районидаги «Текстильщик» совхозининг азамат деҳқонлари ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида ҳар қачонгидан ҳам мўл сабзавот ҳосили етиштириш учун курашишяпти. Яқинда улар дастлабки ғалабани қўлга киритишди. 30 гектар майдондаги эртаки карамдан пландаги 600 тонна ўрнига 1300 тонна ҳосил олинди. Бу муваффақиятни қўлга киритишга Шорахмад Усенбоев, Абдураҳим Каримов, Наримон Иброҳимов, Насриддин Тўрақуловлар бошлиқ илғор бригада коллективлари аъзолари муносиб ҳисса қўшишди. Бу бригадаларда ҳар гектар ердан 230 ўрнига 300—350 центнердан карам ҳосили олинди.

Ҳозирда бу экин туридан бўшаган ерлар пешма-пеш шудгорланиб, ўғит солиниб кечки картошка экишга тайёрланмоқда.

И. ҚОСИМОВ.



ҚАНДОЛАТЧИ

ЭЗГУЛИКНИНГ эрта-кечи бўлмас экан. Университетнинг география факультети кечки бўлимида ўқий бошлаган Зокиржон отаси Собир Умаров ишлаётган корхонага ишга кирди. Ўшанда у ҳали бу ерда узоқ вақт ишлашини, Совет Армияси сафида хизмат қилиб қайтганидан сўнг, аввалги ўқишини ташлаб политехника институтининг химия-технология факультетида сиртдан билим олишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Аммо иш фаолиятининг дастлабки ҳафтасидаёқ қандолатчилик касби ўзи ўйлаганчалик осон эмаслигини билиб олди.

У ишлаётган пряник пишириш цехида 30 киши меҳнат қилар, энг зарур операциялар қўл кучи ёрдамида бажарилиши туфайли бир сутка давомида тайёрланган маҳсулот миқдори 1,5 тоннадан ошмасди. Парварда ва новвот сингари шарқ миллий ширинликлари ишлаб чиқариладиган цехлардаги аҳвол эса бундан ҳам аянчлироқ эди. Шакар солинган оғир ҳажмли қопларни қозонга бўшатиш, 5—6 соат олов олдида туриб қиём қайнатиш, сўнгра қозонни ўчоқдан тушириб, устини ўраб қўйиш... Ва ниҳоят 5 сутка мобайнида қиём тиндирилгач, қозонни ён томонга ағдариб шарбатини ажратиб олиш... Бу ҳам етишмагандек чорак аср муқаддам ўрнатилган механизмларнинг тез-тез бузилиб туриши меҳнат унумдорлигининг ниҳоятда паст даражада бўлишига олиб келарди.

Зокиржон гарчи умумий овқатланиш технологияси бўйича мутахассис бўлса-да, ўз билимларини корхонадаги техник воситаларни ўзгартириш борасида синаб кўришга жазм этди. Ишни энг аввало пряник цехидаги пишириш печини қайта қуришдан бошлади. Шу мақсадда Янгийўлдаги «Лаззат» кондитер ишлаб чиқариш бирлашмасидан келтирилган А2-ШБГ маркали печ асосида янги линия яратди. Бу печ аслида печенье пиширишга мўлжалланган бўлиб, бирлашманинг эҳтиёт қисмлар омборида беш йилдан буён эътибордан четда қолиб, занг босиб кетган эди. Уни пряник пиширишга мослаштириш учун ҳар бир деталь ва мурувватини қайтадан ихтиро қилишга тўғри келди. Бу ишда А. Аҳмедов, А. Умаров, А. Юнусов каби ҳамкасблари Зокиржонга яқиндан ёрдам беришди. Н. Толипов, У. Деҳқонов, С. Мирзахўжаева, М. Абдуллаева, Ш. Асилова, В. Абдувоҳидова сингари ишчилар ҳам қараб туришмади. Ишдан бўш вақтларида, дам олиш кунларида цехнинг эски биноси ўрнида янги корпус барпо этиш ишида фаол иштирок этдилар. Тез орада ишчиларнинг ўз кучлари билан, ҳашар йўлида қуриб битказилган янги цех ишга тушди. Аввалгига нисбатан уч баравар кўп — суткасига 4,5—5 тоннадан маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди.

Зокиржон раҳбарлигида яратилган янги линия фақат пряник ишлаб чиқариш ҳажмини оширибгина қолмади, шу билан бир қаторда новвот цехидаги ортиқча исроф-гарчилик ва чиқиндиларга барҳам беришда ҳам жуда қўл келди. Одатда икки тонна новвот тайёрлаш учун 6 тонна қиём ишлатилади ва ундан 4 тонна шарбат ажралиб чиқади. Аввалларги ана шу шарбатнинг маълум миқдори пряник тайёрлашда қўлланар, асосий қисми эса бошқа мақсадларда ишлатиш учун турли корхоналарга жўнатиларди. Эндиликда шарбат Зокиржон ихтиро қилган мослама қувурлари орқали новвот цехидан тўғри пряник цехига оқиб келади ҳамда шу ерда ундан юз фоиз фойдаланилади. Шу туфайли Тошкент шаҳри ва областимиз меҳнат аҳлига етказиб берилаётган бу таомнинг тўйимлилик ва хушҳўрлик даражаси, сифати анча яхшиланди. Бу хайрли тадбирни амалга оширишдаги меҳнатлари эвазига цех мастери Зокиржон Умаров яқинда область «Лаззат» мукофоти лауреати унвонига сазовор бўлди.

Тиниб-тинчимас инсон мақсадсиз яшай олмас экан. Эндиликда Тошкентдаги минг тоннага яқин турли хил шарқ миллий таомларини етказиб бериши керак. Афсуски, бу маҳсулотнинг асосий қисмини новвот, парварда ва пряниклар ташкил этади. Бошқа турдаги ширинликлар миқдори эса 100 тоннага етар-етмас. Раҳбар ташкилотлар сон ортидан қувмасдан бу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш хусусида ўйлаб кўрсалар, такомиллашган технология яратиб, махсус қандолатчилар тайёрлаш ишига эътибор берсалар, фойдадан холи бўлмасди.

Зокиржонни ташвишга солаётган иккинчи масала ҳанузгача республикамиз шаҳар, қишлоқларида шарқ миллий ширинликлари билан савдо қилувчи тармоқларнинг барпо қилинмаганлиги билан боғлиқ. Узоқ районларни қўя туринг, ҳатто Тошкентдек шаҳри азимда ҳам бирорта ихтисослашган магазинни топиш амри-маҳол. Ҳолбуки, Москва ва Ленинград шаҳарларида «Шарқ миллий ширинликлари» магазинлари ишлаб турибди. Бизда лоақал озиқ-овқат магазинларида шундай бўлимлар очилса, айни муддао бўларди. Бу фақат Зокиржон Умаровнинг истаги эмас, балки шу куннинг талаби бўлиб қолмоқда.

Биров дабдурустдан ўзингиздаги фазилатлар ҳақида гапириб беришни сўраб қолса, тайинли жавоб беришингиз мушкул. Зокиржоннинг корхонадаги катта мастер, бошланғич партия ташкилотининг секретари сифатида олиб бораётган ишлари ҳақида ўнлаб ишчилар билан суҳбатлашдим. Шуниси қувончлики, уларнинг барчаси ҳам деярли бир хил мазмунда фикр билдиришди. «Яхши йигит, бахтли йигит».

Бизнингча, ана шу оддий сўзлар замирида асл ҳақиқат ётибди, Зокиржоннинг ўз касбига, коллективига, қолаверса, эл-юртга бўлган меҳри ўз ифодасини топган.

...Меҳнаткаш, ҳалол инсон учун одамлар ишончини қозонишнинг ўзи ҳам катта бахт.

А. ҲАЙДАРОВ.

ОБЛАСТЬ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

ЎТ ИЧИДА ҚОЛГАН ҒЎЗАЛАР

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» БОНГ УРАДИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ АЙРИМ ХЎЖАЛИКЛАРДА ҒЎЗАЛАРНИ БЕГОНА ЎТДАН ТОЗАЛАШ СУСТ БОРМОҚДА

РАЙОН пахтакорлари ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида она-Ватанга 50 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилганлар. Илғор хўжаликлар бу соҳадаги масъулиятни тўла ҳис қилиб, далаларда юксак мажбуриятга яраша ҳосил етиштирмоқдалар. Бу соҳада Охунбобоев номли, «Ленин йўли» колхозларида олиб борилаётган ишлар, айниқса, ибратлидир. Бу хўжаликларнинг пахтакорлари ҳозирги ғанимат кунлардан унумли фойдаланиб, агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли амалга оширмоқдалар.

Аммо районда барча хўжаликларда ҳам ғўза парваришни намунали ташкил этилган, деб бўлмайди. Маълумки, бегона ўт ҳосилнинг душмани. У ғўзанинг озиғина, сувига шерик бўлади. Агар унга қарши кураш тадбирлари ўз вақтида кўрилмаса не-не машаққатлар билан ўстирилаётган ғўзалар ривождан қолади. Ҳосил тугунчалари тушиб кетади.

Куйбишев номли колхоз деҳқонлари буни билишмайди дейсизми? Билишади! Улар 911 гектар ерда пахта етиштиришмоқда. Ҳосилдорликни 35 центнерга етказишга аҳд қилганлар. Колхознинг Очил Маматқулов, Ортиқ Олимжонов, Қобил Тожибоев сингари тажрибали пахтакорлари бошчилик қилаётган бригадаларда иш бирмунча яхши ташкил этилган. Шунинг учун ҳам бу бригадаларда ғўзалар дуркун.

Лекин 4-бригада даласида бўлганимизда бутунлай бошқача манзарага дуч келдик. Колхоз раиси ҳам шу ерда экан. У колхозчилар билан биргалашиб ажириқ юлиб юрибди. Бундай қараганда «олижаноблик» бу! Раҳбарнинг ўзи шахсий намуна кўрсатмоқда. Лекин бу кўнгилсиз аҳволнинг олдини илгарироқ олиш мумкин эдику. Раис изоҳ берди:

— Мана шу ердан илгари катта ариқ ўтган эди. Йил бошида бу ариқни дала четига кўчирдик. Ер яхшилашди. Бу ердаги ғўзаларни ўт босганлигининг сабаби шундан!

Хўп, бу баҳонани ўринли ҳисоблаб, дала ичкарисига кириб кўрайлик. Бироқ у ерда ҳам аҳвол яхши эмасди! Картанинг ўнг томонида 50—60 киши куймаланиб юрибди. Билсак, улар ҳам ғўза ўташаётган экан.

Ғўзалар тизза бўйи ўтнинг ичида деярли кўринмай кетган. Сувсиз, ишловсиз, қаровсиз қолган ниҳоятлар нимжон.

— Ғўзани ўтоқ қилишни илгароқ бошлаш керак эди-да!— деймиз бригада бошлиғи Бўтан Қуроловага.

— Тўғри айтасиз. Лекин биз улгуролмадик. Бошқа юмушлар кўпайиб кетди...— деди бригадир ўзини оқлашга ҳаракат қилиб.

Пайкалларни текширишда давом этамиз. Ҳайратдан ёқа ушлаймиз. Ниҳолларни шира босибди. Унга қарши сепилган дори бегона ўт ичида кўринмай кетган экинга сира таъсир қилмаган.

Ниҳоят, бироз сукутдан сўнг бригадир:

— Қараб турмаяпмиз, иккинчи марта ўтоқ қилиняпти. Бу ерлар тўқайзор бўлган. Шунинг учун ўт кўп,— деди.

Лекин бригадирнинг гапига ишониш қийин эди. Агарда ҳақиқатан ҳам ишлар сифатли бажарилганда бугунга келиб бегона ўтлар ғўзани шунчалик босиб кетмасди. Бригадирнинг гапига қараганда бу картада кўчат қалинлиги гектар ҳисобига 110—120 минг туп атрофида бўлиши керак. Афсуски, кўчатларнинг кўпи бегона ўт туфайли нобуд бўлиб, сийраклашиб кетибди. Ҳосил кўчатдан олинади, дейишади. Демак, бу бригадада «оқ олтин»нинг бир қисми ҳозирнинг ўзидаёқ йўқотиб бўлинган.

Колхознинг Ғаффор Тожиев етакчилик қилаётган бригадаси 4-бригада билан ўзаро мусобақадош. Бу коллектив аъзолари ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Бундай қараганда бу бригадада ғўза парваришида кўнгилдагидек туюлади. Дала шийпони атрофидаги ниҳоллар ривожи кўзни қувонтиради. Бригадирнинг айтишича, ҳозиргача экинга тўрт марта ишлов беришибди. Икки марта озиқлантиришибди.

Бироқ синчиклаброқ текширганда бу ерда ҳам барча ишлар яхши эмаслиги маълум бўлди. Бригада ерларининг этак томондаги 40 гектарлик картасида ғўзалар билан бирга бегона ўтлар кўзга ташлана бошлади. Буни қарангки, карта пастрогидаги 20 тача ариқ ғўза ўт ичида кўмилиб қолибди. Уларни сувдан кейин ўташармиш...

Афтидан бригада аъзолари шийпондан кўриниб турадиган карталар тоза бўлса бўлди, у ёғи бир гап бўлар қабилида иш тутаётган кўринади. Бўлмаса, бир картани чиннидек тозалаб қўйган деҳқон бошқа ерда ўт ўстирадими? Ёки бошқа карталар уларга бегонами?

Бу ерга район ташкилотларидан ёрдамчилар ҳам келишган. Улар ғўзаларни ўтдан тозалаш, чопиқ ишларида колхозчиларга кўмаклашмоқдалар. Афсуски, ҳашарчилар назорат ва талабчанликнинг йўқлиги туфайли ўз билганларича ишлашяпти.

Шу куни биз Охунбобоев номли колхоз далаларини ҳам кўздан кечирдик. Ҳамма ишлар жойида. Ғўзалар ёппасига гулга кирган. Дала меҳнаткашлари ҳар туп ниҳолни қалб қўрлари билан парвариш қилишяпти. Барча агротехник тадбирлар юксак сифатли бажарилмоқда. Улар бундай муваффақиятларга ишни тўғри ташкил этиш, механизация кучидан самарали фойдаланиш ҳар бир вазифса масъулият билан ёндошиб, юксак интизом билан ишлаётганликлари туфайли эришмоқдалар. Куйбишев номли колхоз деҳқонлари шунинг д е к, ТИИИМСХ ўқув хўжалиги, «Северний маяк», Ким Пен Хва номли, Свердлов номли колхозларнинг пахтакорлари бу илғор хўжалик тажрибаси асосида ишлаганларида далаларни бунчалик ўт босмас эди!

Деҳқонларнинг фидокорона меҳатини юзага чиқариш, ҳар бир хўжалик, бригадада «оқ олтин»дан мўл, сифатли, эртаки ҳосил етиштиришда ҳал қилувчи дамлар етиб келди. Вақтнинг қадрига етиш керак. Ғўзаларнинг ривожини тезлаштириш учун культивация, озиқлантириш, суғориш ишларини сифатли ўтказиш билан бирга даладаги бегона ўтларни таг-томири билан йўқотиш чораларини кўриш лозим. Бусиз мўлжалдаги кўчатни сақлаб қолиш, мўл ҳосил тўплаш, энг муҳими машина терминнинг яхши ўтишига эришиш мумкин эмас. Ўртачирчиқлик пахтакорлар буни унутманг!

Ф. МУҲИДДИНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

КОМСОМОЛ ТУРМУШИ:

МУҚАДДАС ТУЙҒУ

Яқинда Димитровчи Коммунистик ёшлар союзи Хасково округи комитети делегацияси областимиз ёшларининг меҳмони бўлишди. Улар комсомол ходимлари билан давра суҳбатлар қуришди, Тошкент, Олмалиқ, Ангрен ёшлари билан учрашишди, корхоналарда, колхоз ва совхозларда бўлишди.

Дўстларимиз қаерда бўлишмасин, областимиз йигит-қизлари уларни ўз қадрдонларидек, яқин туғишганларидек кутиб олдилар, эришилаётган ютуқлари билан ўртоқлашдилар, хасковолик ёшлар ҳаётидан жонли ҳикоялар тингладилар. Учрашувлар ниҳоятда самимий руҳда ўтди.

Тошкент области ва Хасково округи йигит-қизларининг ўзаро алоқалари йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳозирги кунда Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Димитровград химия комбинати, Тошкент ва Хасково тўқимачилик комбинатлари, Оҳангарон цемент комбинати ва Димитровграддаги «Вулкан» цемент заводи, Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Хасководаги «Мир» тикувчилик фабрикаси коллективлари муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқдалар.

Ўзаро ҳамкорлик формалари тобора такомиллашиб бораяпти. «Ташсельмаш» заводи комсомоллари Болгарияга юборилаётган маҳсулотларга оталиқ қилмоқдалар. Бир қатор комсомол комитетлари ҳузурида тузилган интернационал дўстлик клублари эса икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Олмалиқ химия заводида «СССР — Болгария» интернационал дўстлик клуби ишлаб турибди. Клуб аъзолари болгар кимёгарлари билан хат орқали алоқа қилиб турибдилар. Завод радиоси орқали Болгария тўғрисида қизиқарли сафар таассуротлари ўқиб - эшиттирилмоқда. Ҳар иккала корхона ўртасидаги ижодий ҳамкорлик, тажриба, техника ахбороти алмашиш бўйича шартнома тузилган.

Олмалиқ шаҳар партия комитети ва Монголия халқ республикасининг Эрдэнэт шаҳар революцион ёшлар комитети ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқалари ҳам тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Йил сайин Олмалиқ кон-металлургия комбинатига 60 га яқин монгол дўстлар келиб, замонавий касб бўйича ўз маҳоратларини оширмоқдалар. Монгол ўртоқлар комсомол ташкилоти ҳаёти билан қизиқиб танишмоқдалар. Апрель ойида Олмалиқ шаҳар комсомол комитети делегацияси биринчи марта Монголияда бўлди. Сафар давомида делегация аъзолари революцион ёшлар ташкилоти структураси билан яқиндан танишдилар, комсомол ходимлари билан суҳбатда бўлдилар.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидан, қардош республикалардан келаётган меҳмонлар билан бўлаётган учрашувлар дўстларимиз ҳаёти билан яна ҳам яқинроқ танишиш имконини беряпти, ёшлардаги интернационал туйғуларни камол топтиряпти. Бинобарин, КПСС Марказий Комитети июнь Пленумида ҳам ёшларни интернационал руҳда тарбиялаш, ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш, иқтисодий ва маданий ҳаётда тўпланган бой тажрибаларини ўзаро баҳам кўриш муҳим вазифа эканлиги алоҳида таъкидланган эди.

БИЗ ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТЛАРМИЗ

Областимизда ҳозир юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек иноқ яшамоқлар. Интернационализм туйғусига содиқ ёшларимиз ўз иш ўринларида юксак унумга эришишга, Батан бойлигига кўпроқ бойлик қўшишга, коллектив ютуқлари кўламини кенгайтиришга интилмоқдалар. 700 мингга яқин йигит-қиз «Ёшларнинг зардоб меҳнати, билими, ташаббуси ва ижоди — ўн биринчи беш йилликка!» деган шиор остида бошланган ватанпарварлик ҳаракатида актив иштирок этмоқда. Бу ҳаракат шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам тобора кенг қулоч ёймоқда.

Ёшлар ҳиссаси ва дўстлар тажрибаси туфайли областимиз саноати йил сайин гуркираб юксалмоқда. Ҳозир Тошкент шаҳри корхоналарида тайёрланган маҳсулотлар жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатига етказиб берилмоқда. Ҳозир шаҳримиз қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида тайёрланаётган жами агрегатлардан ҳам кўпроқ техника воситалари ишлаб чиқармоқда. Пахта териш машиналари ишлаб чиқариш бўйича областимиз жаҳонда иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Умуман республика бўйича тайёрланаётган саноат маҳсулотининг 40 процентини Тошкент области ва Тошкент шаҳрининг саноатчилари ишлаб чиқармоқдалар. Бу интернационал меҳнат ҳамдўстлигининг самарасидир.

Интернационал меҳнат ҳамдўстликнинг самараси қурилишда ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Москва олимпиадаси арафасида тошкентлик бинокорлар Крилатский, Лужники, Олимпиада қишлоғи объектларида зўр ғайрат билан меҳнат қилдилар. Энди эса москвалик қурувчилар Тошкентнинг 2 минг йиллигига муносиб совға ҳозирлармоқдалар. Улар шаҳримиздаги Ҳамид Олимжон майдонида «Дўстлик» комплексини бунёд этмоқдалар.

Область комсомол комитети йигит-қизларнинг Бутуниттифоқ зардоб объектларида иштирок этиш юзасидан бошлаган ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Ҳозирги кунда 1,5 мингдан ортиқ тошкентлик йигит-қизлар давримизнинг энг йирик объектларида меҳнат қилмоқдалар. Улар кучи билан РСФСРнинг ноқоратупроқ зонасида «Ўзбекистон», «Дружба» совхозлари қурилди. Ҳозир ҳам бу ўлкада қурилиш ишлари жадал давом этмоқда. Ишлаб чиқаришда ўзини кўрсатаётган йигит-қизларга мукофот тарзида турли шаҳарлар ва мамлакатлар бўйлаб сафар қилишлари учун йўлланмалар тақдим этилмоқда.

Бу соҳада область комсомол комитетининг «Спутник» халқаро ёшлар туризми бюроси катта ташкилотчилик ишларини олиб бораяпти. Шу йилнинг ўзида 500 дан ортиқ йигит-қиз турли мамлакатлар бўйлаб сафар қилади. Сафар давомида улар янги дўстлар орттирадилар, илғор тажрибаларини ўрганиб қайтадилар. Кўриладиган бундай тадбирлар ёшларни интернационал руҳда тарбиялашга, миллатлар ва элатлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга ёрдам беряпти.

Ҳ. АБДУРАИМОВ,
Тошкент область комсомол комитетининг секретари.



ПЛАН ОРТИҒИ

Меҳнат самарадорлигини ошириш ва иш сифатининг юқори даражада бўлишини таъминлаш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган Оржоникидзе район суғориш тармоқлари системаси бошқармаси коллективи ярим йиллик планни ошириб бажариш шарафига муяссар бўлишди. Йил бошидан буён райондаги «Коммунист», «Маданият» колхозлари ва «Красний водопад» экспериментал ба[illegible] насос станц[illegible]ларида қури[illegible]

Бошқарма [illegible] айниқса, ирриг[illegible]ларини бето[illegible] катта муваф[illegible] қўлга киритишди[illegible]ча «Маданият» кол[illegible]риториясида беш юз[illegible] ҳажмда канал чет[illegible] бетонлаштирдилар.

Д. ИСРОИЛОВ.

Янгийўл пойабзал фабрикаси болалар учун оёқ кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналардан бири. Бу йил фабрикада 11 миллион 900 минг сўмлик маҳсулот тайёрланиши кўзда тутилган. Ана шу юксак мажбуриятни бажариш учун авж олдириб юборилган социалистик мусобақада 5-цех коллективи пешқадамликни қўлдан бермаётир.

Суратда: цехнинг илғор ишчиси, станокчи Акром Болтабоев. У ҳар сменада ўз нормасини 125—130 процентдан адо этишга эришмоқда.

В. Сироткин фотоси.

ЁШЛАР — ТАШАББУСКОР

ОҚҚУРҒОН тикув-галантерея фабрикасининг Санобар Соипова бошлиқ 2-цехи коллективи кўплаб аъло сифатли халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш йўлида самарали меҳнат қилмоқда. Коллективда асосан комсомол-ёшлар ишлашади. Шунга қарамасдан улар орасидан ўнлаб ишлаб чиқариш илғорлари етишиб чиқмоқда. Беш йиллик планнини 2,5 йилда бажариш ташаббуси билан чиққан Азиза Умарова ана шундай оловқалб ёшлардан. Унинг шу кунларда эришаётган меҳнат зафарлари ваъдасига яраша бўлаяпти.

Цехда илғорлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг изидан бориш яхши анъанага айланган. Бугунги кунда корхонада Азиза Умарованинг Саодат Бўриева, Набира Раҳимова ва Қундузой Исломова каби ўнлаб издошлари зиммаларидаги юксак социалистик мажбуриятни ортиғи билан адо этиш учун куч-ғайратларини аямаётирлар. Улар тиккан ишчи коржомалари, медицина ходимлари ва аёлларга мўлжалланган халатлар, тунги кийимлар, эркаклар ва болалар кўйлаклари аҳолига манзур бўлмоқда. Цех ишчилари беш йиллик маррани 4,5 йилда забт этиш учун ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланмоқдалар.

П. ЭРГАШЕВ.

ЭНГ КАТТА ҚУЁШ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯСИ

Ўзбекистон ССРда қуввати 300 мингдан миллион киловаттгача бўлган дунёда энг катта қуёш электростанциясини қуриш мўлжалланмоқда. Шу йил охиригача бу қурилишнинг техник-иқтисодий асослари тайёрлаб бўлинади. АПН мухбири Федор ОВЕЧКИНнинг саволларига «Атомтеплоэлектропроект» Бутуниттифоқ лойиҳалаш институтининг Ўрта Осиё бўлими директори Вадим МАСЛОВ жавоб беради.

— Электростанция қурилиши учун нима сабабдан Ўзбекистонда жой танланди?

— Бу республика — мамлакатдаги энг серқуёш республикалардан биридир. Бу ерда қуёш йилига 3 минг соатдан ортиқроқ вақт нур сочиб туради. Бундан ташқари Ўзбекистон зарур илмий-ишлаб чиқариш потенциалига эга. Республика олимлари, конструкторлари қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириш соҳасида катта тажриба тўпладилар. Улар яратган унча катта бўлмаган қуёш электростанциялари олис чорвачилик фермаларида анча вақтдан буён яхши ишлаб турибди. Уларнинг қуввати 1 киловаттдан 10 киловаттгача етади. Бу электростанциялар ер ости сувларини кўтариб бериш, турар-жойларни электр билан таъминлашда ишлатилмоқда. Ниҳоят, Ўзбекистон ривожланган қурилиш индустриясига эгаки, бу мазкур лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради.

Биз қурилиш Қашқадарё областида, Толимаржон сув омбори яқинида бошлаб юборилади, деб мўлжалламоқдамиз.

— Мамлакатимизда, Қримда қуввати 5 минг киловатт бўлган экспериментал қуёш электростанцияси барпо этилмоқда. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, қуёш электроэнергиясининг бир киловатт-соатнинг қиммати иссиқлик электростанцияларида ҳосил қилинадиган электро энергияси таннархидан тахминан 10 баравар кўп бўлмоқда. Ўзбекистонда қуриладиган қуёш электростанциясининг энергияси ҳам қиммат бўладими?

— Йўқ, бизнинг электроэнергиямиз анча арзонга тушади. Ўзбекистонда 2 та парогенератор системали гелиостанция қурилади. Унинг бири қуёш энергиясида, иккинчиси табиий газда ишлай бошлайди. Бундай аралаш қуёш-иссиқлик электростанцияси (ҚИЭС) ҳозироқ рентабеллиги жиҳатидан анъанавий станциялар билан рақобат қила олади.

Қундузлари кучли электр агрегатларига буғ асосан қуёш парогенераторларидан юбориб турилади. Тунда ёки ҳаво айниган пайтларда, қуёш станциялари тўхтаб турганда газ парогенераторлари ишлатиб қўйилади. Шундай қилиб ҚИЭС электр энергияни кечаю кундуз, йилнинг хоҳлаган вақтида ишлаб чиқараверади. Станциянинг қуёш қисми ёнилғининг 40 процентини иқтисод қилади.

Ҳар бир киловатт ҚИЭСга капитал сарфлар 500—600 сўмни ташкил этади. Бу иссиқлик станцияларидагидан қимматроқ. Лекин соф қуёш станцияларига нисбатан бир неча марта арзондир. Ҳисоб-китобларга кўра ҚИЭС электр энергиясининг таннархи ҳар бир киловатт-соат учун 1,5—1,9 тийин бўлади, соф қуёш электростанцияларида бу кўрсаткич 8—10 тийин атрофида бўлади.

— Бўлажак ҚИЭСнинг конструктив ечими қандай бўлади?

— Станция 10 квадрат километр майдонга жойлашади. Бу территориянинг асосий қисмини гелиостатлар — махсус кўзгулар майдони эгаллайди. ЭҲМ командалари бўйича улар қуёш билан бирга айлана бошлайди. Бир жойга жамланиб акс берган қуёш нурлари қуёш парогенераторига тушади. Парогенератор 300 метрдан ортиқроқ баландликдаги минорага ўрнатилади. Ундаги сув турбиналарни ҳаракатга келтиришга қодир бўлган буғга айланади.

Қуёш модулининг қуввати 100 минг киловаттдан ортади. Иссиқлик дублери яна 200 минг киловатт қўшиб беради. Улар биргаликда қуввати 300 минг киловаттдан ортиқ бўлган ягона энергетик блокни ташкил этади. Бундай ҚИЭС йилига 2 миллиард киловатт-соатгача электр энергияси ишлаб чиқара олади.

ҚИЭС қуёш қисмининг ишини узоқ муддатли қилиш учун унга иссиқлик аккумуляторлари системаси қўшимча қурилади. Бу диаметри 7 ва баландлиги 30 метрлик темир-бетон миноралар бўлади. Кундуз куни ишлаб чиқариладиган ортиқча иссиқлик ана шу миноралар[illegible]га юборилиб турилади. Тўпланган иссиқлик анча вақтгача сақланади. Кечқурун ёки ҳаво айниган вақтда уни буғ ишлаб чиқиш учун энергетика системасига қайтарилади. Бундай аккумуляторлар станция қуёш қисмининг ишини бир суткада [illegible]мида 4 соатга узайтиради.

— Ўзбекистонда қуёш энергетикасини ривожлантириш истиқболлари қандай?

— Аралаш қуёш-иссиқлик электростанциялари республика шароити учун жуда мос тушади. Бу ерда саҳий қуёш нури билан бирга табиий газ ҳам бор. Шунинг учун ҳам олимлар ҳозир Қизилқум саҳросига жойлашган газ конлари яқинида кичик ҚИЭСларнинг бутун бир туркумини барпо этиш имкониятларини ўрганмоқдалар. Бундай станциялар чекка жойлардаги аҳоли пунктлари, чорвачилик фермаларини электр билан таъминлаш вазифасини ўз зиммаларига олиши мумкин.

Ўзбекистонда қуёш электроэнергетикасининг катта истиқболи борлиги эндиликда шубҳа туғдирмайди. Ҳозироқ Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва бошқа шаҳарлардаги техника билим юртларида саноат гелиотехникасига хизмат қиладиган мутахассисларни тайёрлаш кенг миқёсда бошланиб кетди.

(АПН).

ФАН ВА ТЕХНИКА УФҚЛАРИ

МЕБЕЛЬ УЧУН ОЙНАЛАР

ПОЙТАХТДАГИ мебель ойналари фабрикаси ўз маҳсулотларини республикамиздаги барча мебель корхоналарига етказиб бермоқда. Бу фабрика ишчи-хизматчилари зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки, уй жиҳозлари ишлаб чиқарувчи коллективларнинг фаолияти кўп жиҳатдан уларга ҳам боғлиқ. Буни чуқур ҳис қилган коллектив шартномада белгиланган маҳсулотни ўз вақтида буюртмачиларга етказиб беришга астойдил ҳаракат қиляпти.

Корхона коллективи ҳар йили юксак меҳнат марраларини белгилаб, уларни муваффақиятли эгалламоқда. Ишчи-хизматчиларнинг бу йилги социалистик мажбурияти ҳам анча масъулиятли. Улар маҳсулот реализация қилиш йиллик планини муддатидан илгари — 23 декабргача бажариш ва қўшимча ками билан 70 минг сўмлик мебель ойналари ишлаб чиқариш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар. Коллектив ўз фаолиятининг бошқа муҳим техника-иқтисодий кўрсаткичларини ҳам яхшилашни мўлжаллаган.

Ойнасозлар эл-юрт олдида берилган ана шу ваъданинг тўла уддасидан чиқиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Янги-янги резервлар ва имкониятларни қидириб топиб, ишга солишяпти. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, тежамкорликни кучайтириш юзасидан кўплаб чоралар амалга оширилмоқда. Айниқса, мусобақани яхши йўлга қўйиш, илғор иш тажрибалари ва ташаббусларни оммалаштиришга алоҳида эътибор бериляпти.

Корхона цехлари меҳнат жабҳасида ўзаро беллашмоқдалар. Мусобақа натижалари ҳар ойда якунланиб бориляпти. Ғолиб цех коллективига корхонанинг кўчма Қизил байроғи ва пул мукофоти берилмоқда. Шунингдек, участкалар, бригадалар ўртасида ҳам соғлом меҳнат рақобати йўлга қўйилган. Мусобақа пешқадамлари ҳар томонлама моддий ва маънавий рағбатланти[illegible]ляпти.

Фабрикада ўтган икки йилда коллектив ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун мустаҳкам замин яратилди. 1981 ва 1982 йилларга мўлжалланган давлат планлари анча ортиғи билан адо этилди. Биргина ўтган йили қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 134 минг сўмликни ташкил этди. Давлат Сифат белгиси билан ойна тайёрлаш топшириғи деярли 140 процент қилиб адо этилди.

Шунинг учун ҳам коллектив ўн биринчи беш йилликнинг марказий йилини яхши кўрсаткичлар билан бошлади. Ўтган ойларда асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича план ортиғи билан адо этилди. Шуниси диққатга сазоворки, корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми асосан меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига кўпаймоқда. Ўтган тўрт ойда бу муҳим кўрсаткич белгиланганига нисбатан 6 процент ортиқ ошди.

Коллектив маҳсулот сифатини ҳам муттасил яхшилаб бормоқда. Ҳар бир операциянинг технология режими асосида бажарилиши устидан назоратнинг пухта йўлга қўйилганлиги брак маҳсулот тайёрлашни тўла бартараф этишга олиб келди. Эндиликда барча турдаги ойна давлат стандартлари даражасида бўлмоқда. Бир вақтлар маҳсулотнинг сифатсизлиги ҳақида кўплаб норозилик хати оладиган коллектив энди буюртмачилардан фақат раҳмат эшитмоқда. Сўнгги икки йил ичида корхонага бирорта ҳам рекламация тушмади.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши ва маҳсулот сифатининг яхшиланишида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада усулини кенг жорий қилиш катта роль ўйнамоқда. Ўтган йили корхона бўйича 5 та бригада пудрат асосида ишлаган эди. Уларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари анча юқори бўлди. Шунинг учун ҳам фабрикада бу прогрессив усулни кенгроқ жорий қилишга алоҳида эътибор бериляпти. Ҳозир фабрика цехларида 9 та бригада ягона наряд асосида ишламоқда. Улар ишлаб чиқариш коллективининг 36 процентини ташкил этгани ҳолда маҳсулотнинг ярмига яқинини тайёрламоқда. Чунки, бундай бригадаларда ишчиларнинг кўрсаткичлари юқори бўляпти. «Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун» шиори остида ишлаётган бригада аъзоларининг кўпчилиги қўшимча касбларни ҳам билишади.

Республикамизда мебель саноатини янада ривожлантириш назарда тутиляпти. Бу ўз навбатида бундай уй жиҳозлари учун ойна ишлаб чиқаришни кўпайтиришни тақозо этади. Шунинг учун ҳам корхонани реконструкция қилиш назарда тутилмоқда. Кўплаб замонавий янги асбоб-ускуналар ўрнатилади, мавжуд цехлар ва участкалар кенгайтирилиб, уларнинг ишлаб чиқариш қувватлари янада оширилади. Эски бинолар ўрнида йирик корпуслар барпо этилади.

Т. НАЖМИН.

ТАКЛИФЛАР САМАРАСИ

ЕР ОСТИДАГИ конларни қидириб топиш ва улардаги қазилма бойликлар запасларини аниқлашда кўпсонли скважиналар қазилади. Бу ишда бурғулаш агрегатидан фойдаланилади. Бу агрегатнинг тишлари сонини камайтириш мумкин эмасмикин? Шу йўлда изланишга киришган «Геологоразведка» заводи бош инженери Б. Алимов, инженер В. Долматов ва илмий ходим Е. Устрюговлар долото тишларини камайтириш мумкинлигини аниқ ҳисоб-китоб қилиб чиқдилар. Шундан сўнг уларнинг таклифлари ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Бунинг натижасида корхона коллективи ҳар йили ноёб ва қимматбаҳо материал вольфрамни анча миқдорда тежаш ва 25 минг сўмлик иқтисодий фойда олиш имконига эга бўлди.

Корхона рационализаторлари ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, тайёрланаётган маҳсулотларнинг чидамлилиги ва сифатини ошириш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш, материаллар ва хом ашёни тежаб қолишга қаратилган кўплаб таклифлар билан чиқмоқдалар. Уларнинг ижодий изланишлари учун қулай шароитларни яратиб бериш тиниб-тинчиматлар сафининг кенгайиши ва таклифлари самарининг ортишига олиб келмоқда.

Ўтган йили ва шу йилнинг беш ойида 80 га яқин рационализаторлик таклифи тушди. Ҳозиргача уларнинг ярмига яқини амалга оширилди. Бунинг натижасида сал кам 35 минг сўмлик иқтисодий самара кўриш мумкин бўлди.

Корхонада ўзининг қимматли таклифлари билан кўпчилик ҳурмат-эътиборини қозонаётган ишлаб чиқариш новаторлари сафида ўнлаб ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар бор. Бундай ижодий изланишда технолог Е. Маҳкамов, конструктор Н. Орлов, электрик В. Рязанов фаол қатнашмоқдалар. Н. Орловнинг амалга оширган иккита таклифи 1800 сўмлик металлни тежаб қолиш имконини берди.

А. ҒУЛОМОВ.

ЯНГИЛИКДАН КЕЛГАН ФОЙДА

БЎСТОНЛИҚ районидаги қурилиш ташкилотлари ўртасида механизациялашган кўчма колоннамиз доимо илғорлар сафида бўляпти. Ҳозирги пайтда коллективнинг ютуғига айниқса пудрат асосида меҳнат қилаётган тўртта бригада катта ҳисса қўшмоқда. Улар ишлаб чиқаришнинг барча кўрсаткичлари бўйича қувончли натижаларга эришмоқдалар.

Биринчи кварталга якун ясалганда бригадамиз тежамкорлик борасида ҳам дуруст ютуқларни қўлга киритганлиги қайд этилди. Механизациялашган коллективимизда 1,5 тонна ёнилги-мойлаш материаллари тежаб қолинди.

Хусусан шу кўрсаткич қўлга киритилган биринчи кварталда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг янги усулида ишлай бошлаганимиздан бери илк бор топшириқларни 200 процентга етказиб бажара бошладик. Ҳар бир бригада аъзосининг бажарган иш ҳажми 7150 ўринга 15600 сўмни ташкил этди.

А. ОСТАПЧУК,
Бўстонлиқ районидаги 4-механизациялашган кўчма колонна бригада бошлиғи.

РСДРП II СЪЕЗДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЛЕНИН ПАРТИЯСИНИНГ

Россияда революцион марксистик ташкилотларнинг пайдо бўлиши янги типдаги партия — ишчилар синфи партиясини тузиш, унинг программаси ва ташкилий принципларини ишлаб чиқишни тақозо этар эди. Маълумки, 1898 йилда Минскда бўлиб ўтган РСДРП I съездида Россия социал-демократик ишчилар партияси тузилганлиги эълон қилинган эди. Бироқ, Ленин ва унинг энг яқин сафдошлари иштирок эта олмаган бу съездда партия программаси ва устави ишлаб чиқилмаган эди.

Шунинг учун партия программаси ва уставини муҳокама этиш ва қабул қилиш РСДРП II съезди кун тартибидаги энг муҳим масалалардан ҳисобланарди. В. И. Ленин съездни партия оммаси иродасини қонунга айлантирадиган олий орган деб ҳисобларди. Бу съездда ҳар тарафлама муҳокама этилгандан сўнг партиянинг биринчи программаси — самодержавие-помешчиклар тузумини, шундан сўнг эса капитализмни ҳам ағдариб ташлаш, пролетариат диктатурасини ўрнатиш учун кураш программаси қабул қилинди.

В. И. Ленин пролетар партиясида ғоялар ташкилотнинг кучи билан мустаҳкамланиши ва бойитилиши керак деб ҳисоблар эди. Ишчилар синфи партияси централизм принципларига ва интизомига таяниши керак эди. В. И. Ленин томонидан ишлаб чиқилган партия устави шу мақсадга қаратилган эди.

Маълумки, устав партия ташкилий тузилишининг формалари, унинг фаолияти услублари, партия ҳаёти нормаларини белгилаб беради. Ленин таърифи билан айтганда устав «... партия ташкилотларининг формаси ва нормаси тўғрисидаги умумий қарордир».

Съездни чақиришга қизғин тайёргарлик кўрилаётган даврда В. И. Ленин партия устави лойиҳасини ишлаб чиқди. Ҳамма нарсада энг аввало ўзига талабчан бўлган Владимир Ильич бу лойиҳани қайта-қайта қайтарилар қилар, унга тузатишлар киритар, қисқартирар ва тўлдирарди. Натижада партия устави лойиҳасининг иккинчи варианти яратилди. Съезд ўз ишини бошлагунга қадар у билан «Искра» редакцияси аъзолари ва етиб келган делегатлар танишиб чиқдилар.

В. И. Ленин бу лойиҳани ҳам қайта ишлади. Ана шу сўнгги вариант РСДРП II съездига тақдим этилди.

Партия уставининг Ленин томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаси лўнда ва қисқа бўлиб, 12 параграфдан иборат эди. Унда партияга қабул қилиш тартиби кўзда тутилган эди. Уставда партия съезди партиянинг олий органи эканлиги таъкидланиб, уни чақириш тартиби, партия ташкилотларининг ваколатлари кўрсатилган эди.

Лойиҳа асосига централизм ғояси қўйилган эди. Бу ғоя барча ташкилий масалаларни ҳал этиш йўлини белгилаб берарди. Шундай қилиб, лойиҳада съезд иши бошланишидан анча илгари Ленин томонидан ишлаб чиқилган ташкилий принциплар ўз ифодасини топган эди. Бу принциплар Россия марксчиларини жанговар революцион партия тузишга йўналтирарди. Бу партия мамлакат ишчилар синфини самодержавие ва капитализмни ағдариб ташлаш учун курашга сафарбар эта олиши керак эди.

Партия уставини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш кескин кураш остида ўтди. Съезднинг ўн тўртинчи мажлисида В. И. Ленин РСДРП устави тўғрисида доклад қилди. Докладда тақдим этилган устав лойиҳасининг илмий асосга эга эканлиги таъкидланарди. Ленин лойиҳаси бу масалани съездда муҳокама қилиш учун асос қилиб олинди.

Съезд мажлисларида искрачиларнинг партияни ташкилий тузиш планлари ва тақдим этган устав лойиҳаларига уларнинг муҳолифлари — бундчилар ва «рабочее делочи»лар очиқ қарши чиқдилар. Съезднинг ўн бешинчи мажлисида Ленининг марказлашган партия тузиш тўғрисидаги ғояси кўпчилик овоз билан маъқулланди. Шундан сўнг устав лойиҳаси съезд томонидан сайланган устав комиссиясига кўриб чиқиш учун топширилди. Бу комиссия составида Ленин ҳам бор эди.

РСДРП II съездининг йигирма иккинчи мажлисида партия уставини муҳокама қилиш давом эттирилди. Уни муҳокама қилиш кейинги беш мажлисда ҳам давом этди. Комиссия томонидан тақдим этилган устав лойиҳасининг ҳар бир параграфи алоҳида муҳокама қилинар ва шундан сўнг овозга қўйиларди. Бу муҳокамалар тугаллангандан сўнг устав тўлалигича қабул қилинди. Уни ёқлаб 42 овоз берилган бўлса, 6 делегат қарши чиқди, 1 киши эса бетараф қолди.

Шундай қилиб РСДРП II съездида партия уставини муҳокама қилиш ва қабул қилиш учун 8 та мажлис ўтказишга тўғри келди. Уставни муҳокама қилиш даврида кўпгина масалалар бўйича кескин кураш бўлди. Партия аъзолиги тўғрисидаги масала энг қизғин муноза[illegible]рага сабаб бўлди.

Съездга Ленин томонидан тақдим этилган уставнинг биринчи параграфида «Партия программасини эътироф этувчи ва моддий маблағлар билан ҳам, партия ташкилотларининг бирида шахсан қатнашиш билан ҳам партияни қўллаб-қувватловчи ҳар бир киши партия аъзоси деб ҳисобланади», дейилган эди. Бу жуда аниқ таъриф эди. Зеро, партияга аъзо бўлиш учун унинг программасини эътироф этиш билан бир қаторда партия ташкилотларидан бирида шахсан иштирок этиш билан бу программани актив амалга ошириш ҳам керак эди.

Мартов, Троцкий, Аксельрод сингари оппортунистлар ленинча таърифга қарши чиқдилар. Улар тасодифий кишиларнинг ҳам партияга киришлари учун имкон берадиган ўз таърифларини тиқиштирдилар. Оппортунистлар партияга ҳайрихоҳ бўлган ҳар қандай киши партия ташкилотига кирмасдан туриб ҳам, бинобарин партия интизомига бўйсунмасдан туриб ҳам, ўзини партия аъзосиман деб эълон қилиши мумкин, деган таклиф киритдилар.

Владимир Ильич партия аъзоси тўғрисидаги ўз таърифини қаттиқ ҳимоя қилар экан, партия аъзосига талабчанликни бутун чоралар билан кучайтириш зарурлигини таъкидларди. «...партиянинг ҳар қандай аъзоси... партия учун жавобгар ва партия ҳар бир партия аъзоси учун жавобгардир, [illegible]ган эди съездда В. И. Ленин,— буни унутмаслик керак».

Кескин баҳслар натижасида оппортунистлар ўз таърифларини съездга тиқиштиришга муваффақ бўлдилар. Бироқ, бу таъриф Ленин то-

НОН-ИМОН

Уткир ҲОШИМОВ,
Узбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати

Ишонган қийин бўлган воқеа

ИШОНМАСДИМ! Бу воқеани ўз кўзим билан кўрмаганимда асло ишонмасдим. Эсимда, бундан бир неча йил илгари «Литературная газета»да худди шундай манзара тасвирланган мақола чиққан эди. Бироқ уни ўқиганимда шубҳалангандим. «Ўлибди, энди шунчаликка бориб етса» деган эдим. Ўзим кўрганимдан кейин ишондим. Йўқ, аввал ўз кўзимга ишонмай гарангсиб турдим-да, кейин...

Бу воқеа Чилонзорда бўлди. Ишдан қайтаётиб, темир гаражлар олдидаги майдончада футбол ўйнаётган болаларга кўзим тушди. Одатда кун ботиш олдида ҳамма бола ҳам онасининг кўзини шамғалат қилиб, кўчага шаталоқ отиб қолади. Булар ҳам қий-чув қилиб ўйнашар эди. Бири — тўққиз-ўн ёшда, бири тикроқ... Терлаб кетишган, бақириб-чақириб югуришади. Начора, ҳамма бола ҳам ўйнайди, ҳамма бола ҳам қий-чув солади. Бироқ болалар тепаётган «коптокни» кўрдиму, вужудим сирқираб кетди, ўз кўзимга ишонмай серрайиб туриб қолдим. Улар... ярим буханка нонни копток қилиб тепарди. Ўшанда қай аҳволга тушганимни идрок этолмайман. Гўё болалар менинг бошимни ўртага олиб тепаётганга ўхшаб кетди. Кейин нима қилганим, нима деганим аниқ эсимда йўқ. Болалар ҳар ёққа тирқираб қочиб кетишди. Тупроққа беланган нонни қўлимга олдим. Нонинг суви қочган, аммо ҳали жудаям қотмаган, шунинг учун «копток» вазифасини ўтаганда майдаланиб кетмаган, фақат қирралари тепки зарбидан, думалайверганидан силлиқланиб кетган, қора тупроққа беланган эди.

— Нима гап, гражданин? Бошимни кўтариб қарасам, рўпарамда юпқа гардишли кўзойнак таққан, шининг қирраси чиқариб дазмолланган эллик ёшлардаги киши турибди.

Нонни кўрсатдим:

— Футбол қилиб ўйнашяпти, қаранг.

Мен унинг ҳам «ёниб» кетишини кутган эдим. Қизиқ, кўзойнакли киши тутоқмади.

— Яхшимас, гражданин, — деди бош чайқаб. — Болаларни нега кўрқитасиз!

— Ахир бу нон-ку! — дедим йиғламоқдан бери бўлиб. — Нон-ку!

Кўзойнакли киши бир қадар ҳижолат чеккандек бўлди. Аммо яна ўша гапини қайтарди.

— Қаранг, кўрқиб қочиб кетишди. Бола-да, ўйнаса ўйнабди. — У бир зум жимиб қолди-да, қўшиб қўйди.

— Нон топилади. Боладан азиз бўптими!

Унинг қирраси чиқариб дазмолланган шимига, юпқа кўзойнак ортидан таъналиб боқиб турган кўзига узоқ қараб қолдим.

Эҳтимол бола — боладир. Аммо ёруғ дунёда шунча яшаган, турмушнинг пастибаландини кўрган бу одамга нима деса бўлади!

Индамай бурилиб кетаётган эдим, ёнбош томондаги баланд уйнинг иккинчи қаватидаги қайсидир дераза шарақ-шуруқ қилиб очилди. Шанғиллаган овоз келди.

— Милиция чақириш керак! Ўн беш суткага қамаш керак, ёш болани қўрқитган безорини!

Гулдор халат кийган, семиз аёл деразадан қўлини чиқариб, мен томонни кўрсатиб, борган сайин авжига чиқиб бобиллар эди.

Нонни қўлимда тутган кўйи кетавердим. Қизиқ, таппи таппидан узоққа тушмайди, деганлари шу эмасми? Боласининг «ҳуқуқини» ҳимоя қилаётган анави кўзойнакли киши билан тинимсиз шовқин солаётган манави хотин ўзи киму, фарзандига қанақа тарбия беради? Тупроққа беланган қўлбола «копток»ни кўтариб борарканман, хаёлимни бир-бириданман маъюс фикрлар чулғаб олган эди. Ленинграддаги Пискарев қабристонидаги воқеа ёдимга тушди.

Ленинграддаги бу катта қабристонда блокада (қамал) пайтида шаҳар ҳимояси учун олиб борилган оғир жанглар ва очликдан ўлган марҳумлар ётади. Бу ерда оқ мармар, қора мармар, кўк мармардан ўрнатилган хотиралар оз эмас. Қабристонни айланиб юриб, соч-соқоли оқариб кетган кекса киши билан ёши бир жойга бориб қолган аёлга кўзим тушди. Бу қабристонда зиёратчилар кўп бўлади. Бироқ айнан шу одамлар эсимда қолганининг боиси бор. Улар ҳеч қандай дабдабали мармартош ўрнатилмаган жажжи қабр бошидаги пастак ёғоч скамейкада жимгина ўтиришар, қабр устида эса... бир бурда нон бўлаги ётар эди. Ҳайрон қолдим.

Чол-кампир билан саломлашдик. Қабр устида нима учун нон ётганини сўрадим. Шунда чол-кампир аламли воқеани айтиб беришди.

...Ленинград қамалида очликдан ўлган марҳумларга тобут ясаш учун тахта ҳам, кўмиш учун куч ҳам қолмаган. Мана шу чол-кампир (ўша пайтда ёш бўлишган) етти яшар қизчаларини етаклаб кетишаётганда, қизча қор босган кўча ўртасида ўлиб ётган одамнинг қўлида маҳкам чангаллаб ётган нонни кўриб қолган. Бола — барибир бола-да! Нонни кўриб ўша томонга югурган. Ота-онаси уни тутиб қолишолмаган. Қизча айни нонга етиб борганида душман отган снаряд ёрилгану...

...Уруш битди. Биз ғалаба қозондик... Ўшандан буён ота-она бир бурда нон учун қурбон бўлган қизчанинг қабрига ҳар куни бир бурда нон олиб келишади... Бир бурда нон...

Инсон боласи хотирасиз яшай олмайди. Айниқса мушкул дамлар одамзоднинг эсида узоқ сақланиб қолади. Ленинград қамалида бўлган одамлар ҳалиям ўша дамларни яхши эслашади. Тўққиз юз кун давом этган қамал... Бир суткага ажратилган 125 грамм нон... Яқин кишиларининг очликдан силласи қуриб ўлаётганини кузатган, охири ўзи ҳам вафот этган қизча Танянинг кундалиги... Қирқ иккинчи йилнинг январь-февраль ойларида бир шаҳарнинг ўзида очликдан ҳалок бўлган 200 минг киши... 900 кун ичида вафот этган 642 минг жон... Йўқ, бу кунларни унутиб бўлмайди! Афсуски, ҳаммамизнинг ҳам хотираси бирдек тиниқ ишламас экан. Эҳтимол шунинг учундир, донишманд халқ «эски чориғиғни унутма» дейди. Эҳтимол шунинг учундир нон ҳақида ривоятлару, ҳикоятлар яратмаган халқ йўқ.

Чилонзорда нонни копток қилиб футбол ўйнаётган болаларни кўрганимда, шининг қирраси чиқариб дазмолланган зиёлинамо киши менга дашном берганида, семиз хотин мен «безорини» милицияга топширмоқчи бўлганида шуларни эсладим.

Энг ёқимли ис

КУНЛАРДАН бирида султон Ҳусайн Бойқаро дунёда энг ёқимли ҳид таратувчи нарсани келтиришга амр этибди. Вазиру вузаролар сандал дарахтидан тортиб энг муаттар гулгача саройга олиб келибдилар. Бироқ шаҳаншоҳ таскин топмабди. Сарой аёнлари нима қилишини билмай, охири Алишер Навоийдан мадад сўраб боришдилар. «Султонга тандирдан янги уйилган бир сават нон олиб борінглар» дебди ҳазрат Алишер. Чиндан ҳам подшо дунёда энг ёқимли бўй тандирдан янги чиққан нон иси эканини эътироф этибди.

Бу — бир афсона. Бироқ ҳар қандай ривоят заминида ҳақиқат ётади.

...Халқимизнинг ажойиб удумлари бор. Янги фарзанд кўрган онанинг кўксига дарров иссиқ нон қўядилар. Нимага? Эҳтимол ёруғ дунёга энди келган боланинг вужудига она сути аралаш нон иси ҳам кирсин деб шундай қилишар. Гўдак кечаси босинқирамасин деб, бешикка, ёстиғининг тагига бир бурда нон қўйишади. Бола йўлга кириши билан оёғининг орасидан кулча юмалатиб тикроқ болаларга обқочтиришади. Бола эсини таниши билан «нон — табаррук, нонни оёқ ости қилиш — гуноҳ» деб қулоғига қуйишади... Сафарга чиққан одам, йўлда ҳамроҳ бўлсин деб нон олволади. Кўпкарига кирган чавандоз белига нон тугиб, кейин отга минади. Оналаримиз совчиликка борса, тугунига, албатта, нон солиб боради. Икки ёшнинг бошини қовуштиришдан олдин садоқатга, бахтга қасам сифатида ўртада нон ушатилади. Кексалар бировни алқиса «нондай азиз бўл!» деб дуо қиладилар. Олис юртларга кетаётган кишига, насибаси қайтиб қўшилсин, деб нон тишлатиб қолишади...

Хизмат юзасидан республикамизнинг турли чекка-ларида бўламан. Баъзи хонадонларда ҳалиям бир чети тишлаб кетилган нон деворга илиб қўйилганини кўраман. Ҳар кўрганда вужудим бир ларзага келади. Бу — бизнинг бахтимиз учун, юртимиз озодлиги учун жангга кетган оталаримиз, акаларимиз тишлаб кетган нон. У ўзининг эгаси қайтиб келишини кутяпти. Қирқ йилдан бери умид билан кутяпти...

Халқимиз нонни беҳурмат қилган одамни энг разил кимса ҳисоблайди. Эл ўртасида «нонкўр», «нонтепки» деган сўзлардан ортиқ таҳқирлаш йўқ. Одам энг мушкул пайтда нон номи билан қасам ичади. «Нон урсин» деган онт энг оғир қасам! Нима, бу ҳам шунчаки асосиз эътиқодми! Диний ақидами? Йўқ! Инсоннят нонни кашф этганига 15 минг йил бўлибди. У пайтда диннинг ўзи йўқ эди! Нонни имон даражасига, виждон даражасига кўтарган халқ бу ишни онгли равишда — билиб қилган. Буни қарангки, гўдак боланинг ёстиғи остига нон қўйишнинг хосиятини замонавий медицина тўла тасдиқлайди. Нон исида ҳавони тозаловчи, инсон асабини тинчлантирувчи барча элементлар бор экан. Қизиқ, нима учун инсон боласи гўштсиз, ёғсиз, бошқа озиқ-овқатларсиз бемалол яшайдию, нонсиз яшай олмайди? Ахир оқсил ёки крахмал деймизми, углевод ёки витамин деймизми, бошқа нарсаларда ҳам бор-ку! Қизиғи шундаки, нонда инсон ҳаёти учун зарур бўлган барча компонентлар бор экан. Улар шу қадар мутаносиб жойлашган эканки, нон инсон боласининг меъдасига ҳеч тегмас экан. Буни ҳам замонавий медицина тасдиқлайди.

Нонни копток қилиб, футбол ўйнаётган болаларни кўрганимда, шининг қирраси чиқариб дазмолланган зиёлинамо киши менга дашном берганида, семиз хотин мен «безорини» милицияга топширмоқчи бўлганида шуларни эсладим.

БИЗНИНГ мамлакатимизда нон арзон. Жуда арзон! Бир кило нон атиги 20 тийин. Эҳтимол шунинг учун ердан 20 тийин пул топиб олса дарров чўнтагига урадиган одам ерга тушиб ётган нонни кўрса бепарво ўтиб кетар. Эҳтимол шунинг учундир, боласи гиламга лойли оёғи билан чиқса, бир тарсаки урадиган одам, худди ўша боласи нонни лойга ташлаб юборса парво қилмас. Тўғри, балки ўша гилам икки минг сўм турар, балки боласи ерга ташлаган нон икки тийин турар. Аммо одам оч қолганида икки минг сўмлик гиламни пишириб еёлмайди, жонига икки тийинлик нон оро киради.

Тўғри, бизда нон арзон. Жуда арзон. Бу ҳам бизнинг Ватанимиз халқпарвар юрт эканидан нишона. Лекин бизда 20 тийинга сотиладиган нон чиндан ҳам 20 тийинга тушадими? Йўқ! Бир кило нон учун тўрт квадрат метр майдондаги буғдой кетар экан. Энди, хаёлан бир тажриба ўтказиб кўрайлик. Мамлакатимизда 270 миллион жон яшайди. Ҳар оилада ўртача беш киши истиқомат қилса, бу — 50 миллиондан ортиқ оила деган гап. Агар ҳар бир оиладаги ҳар бир одамдан ҳар куни ярим бурда нон ортиб қолса (эътиқоф бўлса) бир ҳафта мобайнида ҳар оила ўртача бир кило нонни увол қилган бўлади. Шунда 50 миллион оила ҳар ҳафтада 50 минг тонна нонни исроф қилар экан. Шунча нонни етиштириш учун 200 минг гектар ерга сепилган буғдой керак бўларкан. Бироқ нон дегани буғдой сепишнинг ўзи эмас. Шунча майдонни ҳайдаш керак, бороналаш керак, ўғитлаш, лозим бўлса суғориш, ўриб олиш, янчиш, хирмонга ташиш, тозалаш, ун қилиш, заводга олиб келиш... Ниҳоят нон ёпиш, магазинга элтиб бериш... Шунча иш учун қанча ер, қанча ўғит, қанча техника, қанча ёнилғи, ниҳоят қанча одамнинг меҳнати сарф бўлади?! Инсоф билан айтганда бир кило нонинг қиммати бир кило олтин қимматидан паст эмас. Нон фақат бизда арзон! Арзон бўлгани учун ҳам баъзан қадрига етмаймиз. Бир ҳафта мобайнида ҳаммамиз йиғилиб, 200 минг гектар майдонга сепилган уруғликни, меҳнатни ҳавога учириб юборамиз. Ҳозир математикага устаси фаранглар кўп. Ҳисоблаб кўрайлик, бу рақам бир ойда қанча бўларкин! Ҳисоблаб кўрайлик, бир йилда қанча бўларкин?! Ахир бу дунё ҳисоб-китобли дунёку!

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ахборотини ўқиганимда ўзим ҳам аввалига ҳайрон қолдим. Ер юзида тўрт ярим миллиард жон бор. Шу аҳолининг учдан икки қисми, деярли уч миллиард одам оч ёки ярим оч аҳволда яшар экан. Ҳар куни Ер куррасида 40 минг бола очликдан ўлар экан. Ҳар куни! Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги қатор мамлакатлардаку, бир бурда нон учун тиланчилик қилиб «бахшиш» сўрайдиган болалар ҳар қадамда учрайди. Ҳатто тараққий этган Италияда ҳам бир ярим миллион бола бир бурда нон топиш учун энг оғир меҳнат қиларкан. Жаҳондаги энг бой, энг мақтанчоқ Америка Қўшма Штатларида ҳар йили 150 минг бола оч қолмаслик учун дуч келган юмушларни бажарар экан. Ўн уч-ўн тўрт яшар қизалоқлар нон топиш учун разил бойваччаларнинг қурбонига айланаркан. Ўн уч яшар қизчанинг бўйида бўлиб қолиб, боласи ўлик туғилганида аламдан юм-юм йиғлагани, тирикчилик важидан шу йўлга киришга мажбур бўлганини ўқиганимда вужудим сирқираб кетди. Йўқ, бу гапларни «ичимдан тўқиб» чиқаяётганим йўқ. Бунақа даҳшатли далилларни Америка журналисти Дотстон Рэйдер ёзган. Бу гаплар юз йил олдинги воқеалар эмас, бугун, бизнинг замонамизда, йигирманчи асрнинг сўнгги чорагида юз бераётган воқеалар...

Боласи икки минг сўмлик гиламга лойли оёғи билан чиқса жазолайдиган, аммо худди ўша бола «икки тийинлик» нонни ерга улоқтириб юборса парво қилмайдиган одамларни кўрганимда, нонни футбол қилиб тепаётган болаларни тирқитириб қувлаганимда, шининг қирраси чиқариб дазмолланган зиёлинамо киши дашном берганида, иккинчи қаватда яшайдиган кўкракдор хотин мен — «безори»ни милицияга топширмоқчи бўлганида шуларни ўйладим. «Нон боладан азиз бўптими?» деб қошини чимирадиган одамларни ҳам кўп кўрдим. Ўшанда шундай деб ҳайқиргим келди: «Ҳа, нон — боладан азиз бўлиши мумкин! Жудаям мумкин! Боласини очлик азобидан қутқариш учун ўз қўли билан ўлдирган отани дадам кўрганига ишонаман! Машаққатли уруш ортиқча нон оламиз. Еганимизча еймиз, қолгани дастурхонда қолиб кетади.

Кўпинча ёшлардан нолийлимиз: «Ёшлар ундоқ бўп кетди, бундоқ бўп кетди, қадр-қимматни билмайди...». Очиғини айтсам, ёшлардан ҳаддеб нолийдиган одамларни унчалик ҳурмат қилмайман. Тўғри, ёшлар орасида айрим олифта, такасалтанг, текинхўрлари бўлиши мумкин. Бироқ бу — ҳамма ёшлар ёмон деган гап эмас. Қолаверса, баъзи ёшларда шундай негатив қарашларнинг пайдо бўлишига каттаҳлар сабабчи.

Виждонни ўртага қўйиб айтайлик: тўйлардаги исрофгарчиликларга, айниқса, нон исрофгарчилигига ким сабабчи: ёшларми, кексаларми?! Мен отахонларимизу онахоларимизни, умуман кексаларимизни, ажойиб удумларимизни чуқур эҳтиром билан ҳурмат қиламан. Аммо, айтайлик тўй ёки маъракада неча қоп ун ёпишни ким ҳал қилади? Ёшларми, кексаларми! Ҳар бир меҳмоннинг олдига албатта нон синдириш, дастурхонда тайёр нон турганига қарамай «иссиғидан» тағин ушатишни ким ҳал қилади! Бу ҳам тўқликка шўхлик эмасми? Бировнинг айбини топиш қийинмас, ўзимизга ҳам четдан бир қараб кўрайлик!

Арақ ишшасидан ҳам беқадрми?

ҚИШЛОҚЛАРДА, маҳаллаларда қотган нонни «бекор кетказмаслик» йўли бор: молга берилади. Аслида бу ҳам бориб турган нонкўрлик! Нон—мол эмас, одамнинг насибаси. Шаҳар жойда — «дом»ларда бу муаммо янаям чигалроқ. Аввалари «ортиб қолган» нон ахлатга ташланар эди. Энди кўпқаватли уйлар олдида махсус нон ташланадиган қутилар бор. Лекин унга ташланган нонлар узоқ вақтгача олиб кетилмайди. Ора-чора нон машинаси келади. Темир қутидаги нон қолдиғи (аллақачон моғорлаб кетган нон) бортга ортилади. Шунда юракни эзувчи манзарани кўрасиз. Этик кийган хизматчи оёғи билан нонни (нонни!) тепиб у ёққа суради, бу ёққа суради. Босиб-босиб шиббалайди. Шундай қилиб нон чўчқа фермасигами, мол фермасигами олиб кетилади!

Ажаб парадокс! Ғалати тескари ҳақиқат! Арақдан бўшаган шишанинг нархи 20 тийин туради. Магазинлар бўш шишаларни қабул қилиб олишга мажбур! Қаттиқ нонни эса ҳеч ким сариқ чақага олмайди. Наҳотки, нон ароқ шишасидан беқадр бўлса?! Ахир ортиб қолган нонни алоҳида навларга ажратиб дўконларда сотиб олиш мумкин-ку. Қайта ишлаш, кекс қилиш, квас пишириш наҳотки мумкин бўлмаса! Эҳтимол, икки кило қотган нонга бир кило янги нон бериш мумкиндир! Билмадим, хоҳиш бўлса ҳар ишни қилса бўлади.

Яна бир тескари ҳақиқат: нонинг исроф бўлишига... нон заводлари ҳам айбдор. Нонни ёмон дейиш — гуноҳ. Аммо, инсоф билан айтганда заводларда ёпилаётган нонлар жудаям сифатли эмас. Мен Тошкентдаги нон заводларидан бирининг директори билан очиқчасига суҳбатлашдим. «Ростини айтинг-чи, — дедим кулиб, — дастурхонингизда ўз заводингиздан чиққан нон бўлсаю, яна хонаки тандирда ёпилган нон турса, қайси бирини ердингиз?». Директор бир лаҳза жим турди-да, охири чидолмади. Ўзи ҳам кулиб юборди. «Тандир нонни ердим!».

Тўғри, бир кунда, беш-олти тандир нон ёпиш бошқа, ҳар куни 300 тонна ундан нон тайёрлаш — бошқа. Лекин, модомики техника бор экан, энг аъло сифатли ун бор экан, нонни шундай ёпиш керакки, бурдаси ҳам, увоғи ҳам увол бўлмасин!

Тағин бир гап: нонларимизнинг ҳажми катта. Бир буханка олсангиз кўплик қилади, ярмисини олсангиз етмайди. Эҳтимол, нонни ихчамроқ ҳажмда чиқаришни тезроқ кенг жорий этиш, турларини кўпайтириш керакдир. Эҳтимол ҳар бир дўконга қанча одам келиб, қанча нон харид қилишини ҳисоблаб чиқиш, шунга яраша тарқатиш керакдир.

Албатта, бу гаплар ҳеч қачон ўзимизнинг зиммамиздаги маъсулиятни сусайтирмайди. Аслида, бу катта масъулият ҳам эмас, инсонликнинг оддий қонуни. Нонни эъзозлаш — имонни маҳкам тутмоқ, демак, виждонни мустаҳкам ушламоқ демак.

Тўқликка шўхлик

ЛЕНИНГРАДДА ажойиб одат бор. Дўконга кириб икки буханка нон олсангиз, дарров сўрашади: «Оилангизда неча киши бор, шунча нонни нима қиласиз?» Ажойиб одат! Бу ҳам инсон хотирасининг барқарорлигидан нишона. Азбароён нон тахчиллигидан эмас, нонни исроф қилиш кони гуноҳ эканига далил. Бизда сал бошқачароқ. Нон дўконига кирган одам хоҳлаганча олади. Битта, учта, ўнта... Иккитасини бола-чақалари билан ейди, қолганини... молга беради. Қарабсизки, ярим йил ичида буқасини нон билан семиртириб, минг сўм даромад қилиб турибди. Ана сизга нондан келадиган «соф фойда».

Фалон ташкилотнинг бошлиғи ўртоқ фалончиев «бой касал» бўлиб дам олишга ётдилар. Бошлиқ «касал» бўлганида хабар олиш фарзми—фарз! Қарзми — қарз! Бориб кўрганда ҳам энг сархил патирлардан оласиз. Албатта, битта эмас, камида иккита! Ҳар куни ўн киши кўргани келса йигирмата энг мазали нон олиб келинади. Шўрлик «бемор»нинг қорни битта. Бир кунда яримта патир ейди. Орадан икки-уч кун ўтиб, нон қотади. «Бемор» уни уйига жўнатади. Уйдагилар эса «банниса»дан қайтган нондан ҳазар қилади. Ўша сархил патир нари борса молга ем бўлади...

Рус биродарларимизга қойил қоламан. Лозим бўлса ярим буханка, чорак буханка нон олади. Керагича олиб истеъмол қилади. Биз-чи! Нонинг ярмини кесиб олсак «катталик»дан тушиб қоламиз. Ўша нонинг ярми ейилса ейилади, бўлмаса, қотиб қолади...

Ошхонага кирамиз. Деворга «Нонни исроф қилманг» деган ёзув илиб қўйилган. Аммо хоҳлаймизми йўқми, барибир керагидан ортиқ олиб, ейишга мажбурмиз. Ҳаммамиз ҳам ўзимизнинг ҳаёлимизда ўзимизнинг ҳаёлимизда ўзимизнинг ҳаёлимизда

ШОИРА УВАЙСИЙ

ТАВАЛЛУДИНИНГ 200 ЙИЛЛИГИГА

Феодализмнинг энг қабиҳ хусусиятларидан бири хотин-қизларнинг инсоний ҳуқуқларини оёқ-ости қилиш, уларнинг ўз қобилият ва истеъдодларини намоён қилишларига қандай йўл билан бўлмасин қаршилик кўрсатишдан иборат эди. Лекин бу зулм ва адолатсизлик нечоғлиқ кучли бўлмасин, Ўрта Осиё халқларининг хотин-қизлари орасидан истеъдодли қаламкашлар—шоира ва адибалар етишиб чиқди. XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг биричи ярмида яшаб, ижод қилган, ўзининг юксак ҳароратли шеърлари билан эл-юрт орасида катта шуҳрат қозонган аёллардан бири — шоира Жаҳонотин Увайсий эди.

Унинг асл исми Жаҳон бўлиб, отаси марғилонлик олим ва фозил кишилардан бўлган. Отаси унга адабиёт ва шеър назариясини ўргатади. Шу тариқа Жаҳон ўзбек ва форс классик шоирларининг асарларини пухта ўзлаштиради ва ўзи ҳам аста-секин шеър машқ қила бошлайди. Жаҳон балоғатга етгач, турмушга бераслар. Унинг турмуш ўртоғи нодон ва жоҳил кимса бўлганидан Жаҳон у билан муроса қила олмай ажралиб кетади ва отасининг уйида ўтириб, шеър ёзиш билан машғул бўлади. Увайсий таҳаллуси билан халқ орасида эътибор қозона бошлайди.

Адабиётшуносларнинг қайд қилишича, Увайсий Нодиранинг доимий маслаҳатчиси, мураббий устози, яқин дарджаш дўсти бўлган. Увайсий адабий меросининг асосий қисмини лирика ташкил этади. У шеъриятни ўз ҳаётининг асосий маъноси деб ҳисоблайди. Ўз даврининг энг муҳим воқеа ҳодисаларига лирика орқали муносабатини билдирди. Ажойиб ғазал, муҳаммас, мустазод, мураббаъ, рубоий, туюқ ва бошқа жанрларнинг ривож топишига салмоқли ҳисса қўшди.

Шоиранинг ўз давридаги ижтимоий-сиёсий тузумга, ҳаётга шоирона муносабати унинг «Доғ ўлди, доғ ўлди» радифли ғазалида ёрқин ифодасини топган. Увайсий мазкур ғазалида «Рақиблар»нинг раҳмсиз тиғларидан баҳрим жароҳатланди; атрофимдаги бефаҳм ва калтабин мардумлар дастидан эса кўнглим доғ бўлди» деб ёзар экан, биз Увайсий шеъриятининг фош этувчилик қудратини, унинг ўз даврида курашчан ва халқчил ижодий позицияда турганлигининг гувоҳи бўламиз. Шунингдек, шоранинг «Увайсийман», «Мастонамастона», «Ошиқ бўлмишам», «Ошиқона кўз тутай» ва бошқа кўпгина ғазаллари ҳамда бошқа жанрдаги шеърларида Увайсий шахсияти, унинг ўзига хос маънавий дунёси, ижтимоий тузумга бўлган муносабати ва ёки бу кўринишда ўзининг ифодасини топганлигини кўрамиз.

Жаҳонотин Увайсий ўзбек классик адабиётининг ёрқин сиймоларидан биридир. Ҳали шоранинг ҳаёти ва ижодини мукаммал ўрганиш, бу тадқиқотларни адабиётимизнинг келгуси ривожи учун хизмат қилдириш тадқиқотчи олимларимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири деб ўйлаймиз. Шоира шеъриятида тараннум этилган эзгулик, муҳаббат, тенглик, маърифат ҳақидаги орзу-армонларга дуч келар эканмиз, бу эзгу ниятлар бизнинг замонамиздагина рўёбга чиққанига иқрор бўламиз.

Жаҳонотин

(Достондан парча)

Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман,
Қандай дард эли бўлса, ошно Увайсийман.
Кечалар фиғонимдан тинмади кавокиблар,
Арзу то само узра можаро Увайсийман.

Сувдек оқиб ўтар эди кунлар шундай бирма-бир,
Мана, тағин яшнамоқда дов-дарахту дала, қир.
Жаҳон отин хомушликка тобе бўлар субҳидам,
Мажнунини, Қуёшини[1] ўйлар эди дамба-дам,
Хоксорликда ўлгайишди иккови ҳам отасиз,
Ўксиндмади, билдирмади ёдда — ўғли, ёдда — қиз.
Отасини қора тортди, паноҳ топди шоира —
Кўнглин ёрди келиб ўша, оддий дониш, моҳирга.
Фикри ёдн фарзандлари — дилбандларга банд бўлди,
Тутган боли — яхши одоб, яхши таълим — қанд бўлди.
Унутилди жоҳил эр ҳам — ўша майхўр, қиморбоз,
Ҳаётида бир адашди, хўб адашди — эмас оз...
Гоҳи дилтанг эслар экан ҳайф ўтказган умрини,
Унсиз фарёд чулғар қалбин: «Босармиди ўрнини?..»
Ўйлар экан гул ёшлигин тул шоира, тул жувон,
Халқ мақоли дилдан ўтар, қалбин ўртар ўша он:
«Арғимчоққа чиққан қизнинг чит рўмоли бўйнида,
Қаерда яхшини кўрсанг ёмоннингдир қўйнида.
Ноқобилга тушганча бўйдоқ юрган яхшироқ,
Оқар дарёларга бориб оқиб ўлган яхшироқ».
Жаҳон отин ўйлар экан, ҳаёлида Амирий,
Тарзи терс-да, топталган чун ҳамияти, амири...
Бош-қошку-я Моҳларойим ва ғазалгўй ҳар гулга,
Лекин шоҳнинг саройидан авла, деди тор кулба...
Шундан бери кун кечирар кўп қатори, беғалва,
Бироқ оғиз чучитмай айтган билан йўқ ҳолва —
Деҳқончилик... Жонларига аро кирар куз тоши,
Қаватида тер тўкарди алп Мажнун, Қуёши.
Муҳаммад ҳам, Қуёшхон ҳам шоирага бўлди эш,
Нафосатга, ғўзаллиққа тобеларни билар пеш.
Иккови ҳам онасига тортганидан кўнгли тўқ,
Иккови ҳам ғазал битмай ўтган бирор куни йўқ.
... Ҳа, дарвоқе, ғазалда ҳам ғазал борди киройи,
Ор қилар у шоҳни мактаб, улуғловчи саройи —
Фазлий, Хижлат, Хотиф, Холис маддоҳпарвар Ноласин...
Қай базмда қуёшга ҳам тенглаб деди Адоси:
«Умархонга Фарғонада недур олмоқ фароғат,
У жаҳонга лойиқ шоҳдир етур келса фалокат.
Ҳайдархондан устун турар, олис кетур наъраси,
Ҳеч гап эмас битмай кетса Ҳайдархоннинг яраси...»
Бу адоват, бу вайронлик, бу қирғин-ку — ваҳшийлик,
Мақтов билан хонни хонга ғиж-ғижловчи «яхшилик».
Бу ажалнинг қонли иси — ямламасдан ютай дер,
Қора қонга бўялмоқда ҳар кошона, қарич ер...
... Айтгандай ер, камбағалга ер — аҳқонинг уруғи,
Қарич ерин кенгайтса гар фақат шоҳдир йўриғи.
Ўйлай-ўйлай Амирийга йўллаганн бир ғазал,
Шу алфозда Жаҳон отин икки байтин эслар сал:

«Бир танобона учун мен сенга муҳтож ўлдум,
На учун аҳли хирад — элига мен тож ўлдум.
Ҳаддим эрмас саги қўйонга Увайсий ўлса дучор,
Бир танобона учун ман сенга, муҳтож ўлдум».
Кеки баланд шоҳ дийдаси бир қур эрий демади,
Ердан садо келса келди, аммо шоҳдан келмади.
Боз бояги тирикчилик, боз бояги кўргулик,
Жаҳон отин ҳоли йўқди бош кўтариб юргулик...
Жонга тегар аммо танглик, жонни олар йўқчилик,
Қачонгача бир ён очлик, бир ён бўлса тўқчилик...
Бугун ўтиб наврўз келур, бўлур элга байрам ёр,
На Мажнунга янги тўну на Қуёшга қўйлак бор...
Ўзи бўлса майли эди, чидар эди нонлож,
Фарзанд эса фарзанд ахир, ўксишига йўқ илож?
Яна шоҳга ҳамду сано, яна таъзим, илтижо?
Борганда хўб карам қилса... боқмаса-чи ўша шоҳ?
Нима бўлса бўлар, деди Жаҳон отин отланди,
Танг аҳволин бир ғазалга тўкиб солди, тан олди.
Кирар экан хон Амирий ҳузурига бетоқат
Нигоҳига тик боқди-да, узатди у шундай хат:
«Ийд ўлди бу кунки, эй шаҳаншоҳ,
Бўлгилки бу халқ дилидан огоҳ.
Тўн деб тўкади ёшин Мажнун,
Қилди мани ончинун жигархун.
Қўйлакла рўмол дебон Қуёшим,
Оннинг йиғисидин қотди бошим.
Оз бўлса ҳам аларда гирён,
Қилган эдим ушбу сирни пинҳон.
Олдингга келибман ушбу соат,
Сан-санки муҳарраби саҳоват.
Вайсий сўзига қилмагин шак,
Ўғлимга тўну, қизимга мурсак...»
Шоҳ бўлса-да шоир эди Амирий ҳам ҳарқалай,
Имо билан Жаҳон отин айтганларин қилди шай.
Аммо унинг нигоҳида чақнар эди ғолиблик,
Жаҳон отин қайтар экан бўлмадими дер хомлик...
Қайтар эди ҳаёлида чарх урганча хўб қайтлар,
Чархи фалак ёзмишидан дил доғламиш чўғ байтлар:
«Замон кулфатидан бу кўнгил доғ ўлди, доғ ўлди.
Бу чархи бемурувватдин кўнгил доғ ўлди, доғ ўлди.
Жароҳат бўлди бағрим тиғи бедоди рақиблардин,
Бу кўтоҳфаҳм мардумдин кўнгил доғ ўлди, доғ ўлди.
Фано мардумларнин сирридин ҳеч кимса йўқ огоҳ,
Қабиҳ гуфтор мардумдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.
Кўнгул қони фароғи дийдадин бир лаҳза банд ўлмас,
Вужудим изтироб айлаб кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.
Турубдур бағрим ичра қон мисоли ғунча найларман,
Очилмай гул сифат ушбу кўнгил доғ ўлди, доғ ўлди.
Сўзимдан хотиринг узра гумоне ўзга еткурма,
Ки изҳор айлама найлай, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.
Менн расвоий оламдин мабодо эътироз этма,
Такаллум бирла шод айла, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.
Кўнгулни оташин бежо қилибдур нутқи гуфтори,
Қаю боғ андалибидин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.
Бу сўзни айлади барпо ажаб густоҳлик бирла,
Малоли хотир ўлғайму, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.
Ажаб ашъори мавзун боғлади Вайсий ҳасаддиникм,
Умархон зуфунунеким, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди».
Бир енгиллик сезиб ўзда Жаҳон отин жадаллар,
Ғойибдан-да фарзандларин севиничин ёд блар...
Эртанги кун Наврўз кунни, эл сайлини кўрар у,
Авом аро Қуёшини, Мажнунини кўрар у...

ОТАЕР.

1. Жаҳон отин Хожихон номли ноқобил бир кишига турмушга чиқади ва эрининг жоҳиллигига чидай олмай тоқ яшашни аъло билади. Ўғли Муҳаммад—Мажнун таҳаллуси билан, қизи Қуёшхон—Хокий таҳаллуси билан шеърлар ёзган. Эрдан ёлчимаган Жаҳон отин бор меҳрини ўғли ва қизига бағишлайди. (Муаллиф).

МЕҲНАТ СЕМЕСТРИ

СТУДЕНТЛАР КОРЖОМА КИЙДИЛАР

Областимиз студентлари ҳаётида янги бир масъулиятли давр бошланмоқда. Яқин кунлар ичида олий ўқув юртлари ва ўрта махсус ҳунар-техника билим юртларининг талабалари комсомол зарбдор қурилишларига — учинчи меҳнат семестрини ўтказишга йўл оладилар. Уларни Россиянинг Ноқоратупроқ зонаси, республикамиз ва областимизнинг янги чорвачилик объектлари, меваси ғарқ пишган боғ-роғлари кутмоқда. Меҳнат семестри олдидан студент-қурилиш отрядлари область штабининг командири Ҳикмат АКРОМОВ мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Аввало ўтган йилги меҳнат семестри ҳақида икки оғиз сўз. Республикамизнинг, хусусан Тошкент областининг колхоз ва совхозларида 14 мингдан ортиқ йигит-қиз меҳнат қилди. Улар икки йўналишда қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида қатор ишларни амалга оширдилар. Студентларимиз жами 20 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш ишларини бажардилар. Янгийўлдаги чўчқачилик комплексида, У. Юсупов номли агро саноат бирлашмасида, Янги Тошкент ва Ғазалкент консерва комбинатларида зарбдорчасига меҳнат қилдилар.

Қишлоқ хўжалиги бўйича ташкил этилган отрядларнинг ўзида 12 мингга яқин йигит-қиз фаолият кўрсатди. Студентларимиздан бир группаси ГДР, Югославия, Чехословакия, Венгрия каби қардош мамлакатларга юборилди. Улар ҳ ердаги саноат корхоналарида 500 минг сўмлик реконструкция ишларини бажаришди.

Бу йилги режаларимиз янада улкан. Шу кунларда 18 та олий ўқув юртлари ва 26 та ҳунар-техника билим юртлари базасида 300 та зарбдор отрядлар ташкил этилди. Улар асосан Тошкент областининг зарбдор қурилишларида — Бекободдаги Ленин номли металлургия заводида, Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Главташкентстрой» қурилиш объектларида ишлайдилар.

Қишлоқ хўжалик отрядлари эса Оржоникидзе районининг «Қибрай» совхозида, У. Юсупов номли агро саноат бирлашмасида, Бўка районидаги «Кремль» совхозида, Чиноз райони балиқчилик хўжалигида, Оҳангарон районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхози чорвачилик комплексида меҳнат қиладилар. Қатор олий ўқув юртларининг талабаларидан жамланган 800 киши Олтой ўлкасига, мингга яқин студент Тюмень областига, 1500 киши Владимир областига, 1500 дан ортиқ талаба эса Свердловск областига йўлланма олдилар.

Шунингдек, қардош социалистик давлатлар билан студент отрядлари айрибошланади. Чет эл мамлакатларида меҳнат қиладиган студентларимиз махсус тайёргарликдан ўтадилар. Улар Ўзбекистон маданияти, адабиёти, санъати ҳақида ўз тенгдошларига ҳикоя қилиб берадилар.

Биз бундан ташқари областимиз ва республикамиз шаҳарларида истиқомат қилаётган Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига оталиқ ёрдами кўрсатишни ҳам режалаштирганмиз.

Меҳнат қилиш билан бирга студентларнинг дам олишларига ҳам жиддий эътибор берилади. Шу мақсадда катта маданий программа ишлаб чиққанмиз.

А. НОСИРОВА.

СПОРТ

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● ШАХМАТ. Болгариянинг Пловдив шаҳрида шахмат бўйича Европа команда чемпионатининг иккинчи ярми бошланди. Совет спортчилари ГФР командасини 7:1 ҳисобида мағлубиятга учратганларидан сўнг Дания шахматчилари билан учрашдилар. Ҳозирча ҳисоб 4:0. Карпов, Петросян, Ваганян ва Белявскийлар ўз учрашувларини кечиктирдилар.

● ФУТБОЛ. Пойтахтнинг икки клуби «Спартак» ва ЦСКА ўртасидаги учрашув 2:2 ҳисобида дуранг бўлиб тугади. Пахтакорчилар бугун Москвада «Торпедо» билан ўйнайдилар. Бу учрашув Марказий телевиденининг биринчи программаси орқали маҳаллий вақт билан соат 22.00 да олиб кўрсатилади.

● КАРАТЭ. Усмирлар ўртасида республика шахсий команда чемпионатида 52 спортчи қатнашди. Беш вазнда «Динамо» каратэчилари ғолиб келиб, команда ҳисобида ҳам биринчи бўлишди. «Буревестник» иккинчи, «Ёш куч» командаси учинчи бўлди.

Халқаро ҳаёт

САР МИНИСТРЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

ДАМАШҚ, 29 июнь. (ТАСС). Бу ерда Сурия Араб Республикасининг бош министри Абдул Рауф Касм раислигида министрлар кенгашининг мажлиси бўлиб, унда Яқин Шарқдаги ҳозирги аҳвол, шу жумладан Фаластиннинг ФАТХ ташкилотида юзага келган ихтилофлар кўриб чиқилди.

САНА агентлигининг мажлис ҳақидаги хабарида айтилишича, Сурия доимо фаластинлик араб халқининг манфаатларини ҳимоя қилиб келмоқда. Бунда САР фаластинликлар сионист агрессорларга ҳамда Америка маъмуриятининг региондаги ўз позицияларини кучайтириш йўлидаги уринишларига қарши турган кучларнинг таркибий қисми эканлигига асосланмоқда. Америка маъмуриятининг ҳатти-ҳаракатлари Фаластин проблемасини одилона ҳал этиш йўлида асосий ғов бўлиб турибди.

Фаластин Озодлик демократик фронтининг бош секретари Н. Хаватма Дамашқда гапириб, Фаластин Озодлик демократик фронти билан Фаластин халқ озодлик фронти умумий ҳарбий ва сиёсий раҳбарлигини тузиш тўғрисида яқинда қабул қилинган қарор иккала фронт империализм, сионизм ва реакцияга қарши биргалашиб олиб бориладиган курашни кучайтириш манфаатлари йўлидаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун сарф лаётган куч-ғайрат натижасидир, деди. Икки фронт ўртасидаги иттифоқ Фаластин революциясининг барча прогрессив ва демократик отрядлари учун очиқдир, деб таъкидлади у.

Фаластин озодлик демократик фронти раҳбари айтдики, бирлашиш тўғрисидаги қарор Фаластин Озодлик ташкилотининг вазифаларига зид келмай, уни мустаҳкамлайди, чунки у араб халқлари душманларини, аввало Кемп-Девид жараёнини жонлантиришга, машъум «Рейган плани»ни ҳамда Ливан-Исроил битимини тиқиштиришга ҳаракат қилаётган Америка империализми кирдикорларига қарши қаратилгандир.

Н. Хаватма барча Фаластин ташкилотларига муроҳаат этиб бирликни сақлаш йўлида кераксиз тўқнашувлар ва ихтилофларни тўхатишга даъват этди. Бу нарса фаластинлик араб халқининг бирдан-бир қонуний вакили бўлмиш Фаластин Озодлик ташкилоти сафларини мустаҳкамлашнинг гаровидир.

БАЙРУТ, 29 июнь. (ТАСС). Информация агентликларининг хабар беришича, Фаластин Озодлик ташкилоти ижроия комитети раиси Я. Арафатга қарши чиқаётган Фатҳдаги оппозицион гуруҳ Бекаа водийсида фаластинликларнинг учта таянч пунктини ишғол этган. Фаластин ВАФА информация агентлиги кейинги пайтларда оппозицион гуруҳ Я. Арафатни қўллаб-қувватлаётган бўлинмаларни қуршаб олганлигини билдирди. Улар ўртасида тўқнашувлар давом этмоқда. Арафатга қарши оппозиция раҳбарларидан бири Абу Солиҳ Фаластин Озодлик ташкилоти ижроия комитетининг раиси Я. Арафат билан унинг тарафдорларига қарши курашни давом эттираверишини айтди.

Фаластинлик отрядларнинг анча қисми турган Шимолий Ливандаги Триполи шаҳри районининг бутун соҳил бўйини Исроил ҳарбий кемалари қамал қилиб қўйганлиги хабар берилади.

Ливан матбуотининг ёзишича вужудга келган можаро арабларнинг умумий ишига зиён етказади, араб халқларининг Исроил агрессиясига қарши курашини заиф лаштиради.

ЖАЗОИР, 29 июнь. (ТАСС). Жазоир президенти, Миллий Озодлик фронти партиясининг бош секретари Ш. Бинжадид қисқача амалий визит билан Жазоир пойтахтига келган Фаластин Озодлик ташкилоти ижроия комитетининг раиси Я. Арафат билан учрашди.

Суҳбат чоғида АҚШ ва Исроилнинг арабларга қарши давом этаётган кирдикорлари шароитида Яқин Шарқдаги аҳвол, шунингдек фаластинлик араб халқи миллий ҳуқуқларини амалга ошириш учун курашда Фаластин қаршилик ҳаракати бирлигини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

ПРАЯ, 29 июнь. (ТАСС махсус мухбири). Яшил Бурун ороллари мустақиллиги африкаликлар партияси (ПАИКВ)нинг II съезди бу ерда ўз ишини тамомлади. Съезд иштирокчилари республикани социал-иқтисодий ривожлантириш проблемаларини, халқаро аҳволга доир масалаларни кўриб чиқдилар.

АМИЛКАР КАБРАЛ ВАСИЯТИГА САДОҚАТ

Анжуманда қабул қилинган резолюцияларда съезд партияни анча кучайтирганлиги, унинг халқ билан алоқасини мустаҳкамлаганлиги уқтириб ўтилади. Яшил Бурун республикасини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланди. Кишини киши эксплуатация қилмайдиган адолатли жамият барпо этиш ҳозир ҳам мамлакат меҳнаткашларининг асосий мақсади бўлиб қолмоқда.

Съезд Африкада мустамлакачилик ва ирқчиликнинг сўнгги манбаларини тугатишни ёқлаб қатъий фикр билдирди. Қитъа жанубидаги халқларнинг чинакам озодликка ва мустақилликка эришишларига ҳар қандай йўллар билан тўсқинлик қилишга уринаётган империалистик давлатларнинг найранглари ҳужжатларда қатъийян қораланади.

Съезд ташкилий ва идеологик иш масалаларига оид бир қанча ҳужжатларни, шунингдек партиянинг янги устави ва программасини кўриб чиқди ва қабул қилди.

ПАИКВ Бош секретари, Яшил Бурун ороллари республикаси президенти Аристидес Перейра оммавий митингда нутқ сўзлаб, тугаган анжуман партия сафларини ташкилий ва ғоявий жиҳатдан жипслаштиришга, уни янада демократлаштиришга ёрдам берганлигини таъкидлади. У мамлакат меҳнаткашлари Африканинг атоқли революционери Амилкар Кабрал васият қилган йўлдан боришга қатъий аҳд қилганликларини таъкидлади.

В. ЗУБКОВ.

АВСТРИЯ. Мамлакатнинг демократик жамоатчиликни барча неонацистча союзлар ва группировкаларни таъқиқлашни қатъий талаб этмоқда. Бундай союз ва группировкаларнинг ташкил этилиши мамлакат қонунига хилофдир.

Суратда: Венада фашизмнинг қайта туғилишига қарши ўтказилган намойиш қатнашчилари.

А. Ковригин фотоси. ТАСС.

ТИНЧЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ АСОСИЙ ВАЗИФА

БОГОТА, 29 июнь. (ТАСС). Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш бугунги кунда инсоният олдида турган асосий вазифадир. Шу боисдан ҳам Совет Иттифоқи ўртага қўйган янги тинчлик ташаббуслари, деди Колумбия конгрессининг ранси, сенатор Бернардо Герра Серна, барча мамлакатлар ва халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади. У совет таклифларини юксак баҳолади. Бу таклифлар, деди у, ядровий қуролни ва қуролларнинг бошқа турларини қисқартириш тўғрисида аҳдлашувларга эришмоқ учун яхши шарт-шароитлар яратиб беради.

Колумбия парламентининг аъзоси совет халқи мухолифликка тўсқинлик қилишга интилаётганлигини таъкидлади. Ғарбнинг ҳаддидан ошган баъзи бир урушқоқ доиралари ана шундай муҳолифликка чорламоқдалар. У милитаристик агрессив сиёсатни ўтказаётган Америка маъмуриятини кескин қоралайди.

ЖЕНЕВАДАГИ МУЗОКАРАЛАР

ЖЕНЕВА, 29 июнь. (ТАСС). Бугун бу ерда стратегик қуролларни чеклаш ва қисқартириш тўғрисидаги Совет-Америка музокаларида делегация бошлиқларининг учрашуви бўлди.

Редактор Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТУҒИЛГАН КУНГА ЭНГ МУНОСИБ СОВҒА

«БАХТИЁР» ТОШДАН КЎЗ ҚИЛИБ ИШЛАНГАН ЗАРГАРЛИК ЗЕБУ-ЗИННАТЛАРИ ТУҒИЛГАН КУНЛАР УЧУН ТАҚДИМ ҚИЛИНАДИГАН ЭНГ МУНОСИБ СОВҒА ТОШЛАР КАЛЕНДАРИ:

Январь—ЕҚУТ, СУМБУЛ.
Февраль—АМЕТИСТ.
Март—ҲАВОРАНГ ЕҚУТ, ЯШМА.
Апрель—ГАВҲАР, САПФИР.
Май—ЗУМРАД.
Июнь—МАРВАРИД, ҲАҚИҚ, АҚИҚ.
Июль—ЕҚУТ, ҚИЗҒИШ СЕРДОЛИК ТОШИ.
Август—САРҒИШ ЯШИЛ ТОШ, ТАРҒИЛ ТОШ.
Сентябрь—КЎК ЕҚУТ, САРҒИШ ЕҚУТ.
Октябрь—ЧИННИСИМОН ТОШ, БЕРИЛЛИЙ СОФ ТОШИ.
Ноябрь—ЖОЗИБАЛИ ТОШ.
Декабрь—ФЕРУЗА, ҲАҚИҚ.

«ВНИИЮВЕЛИРПРОМ».
«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА ИЮЛЬ ОЙИДА НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИГАН СПЕКТАКЛЛАРНИНГ РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1 да — ЕШЛИКДА БЕРГАН КЎНГИЛ.
2 да — ХОТИНИМНИНГ ЭРИ.
3 да — ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН.
4 да — ЕШЛИКДА БЕРГАН КЎНГИЛ.
5 да — ГУЛСАРА.
7 да—ҚИЕФАЛАР ЕКИ ЗАНЖИР.
8 да — ТЎЙДАН ОЛДИН ТОМОША.
9 да — ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЕРМИЗ.
10 да—ТОШКЕНТНИНГ НОЗАНИН МАЛИКАСИ.
11 да — ЗАҲАР ИЧГАН ДАЪВОГАР.
13 да — ИШОНМАСАНГ ЎЛАМАН...
14 да — ОЛИФТА.
15 да — ДИЛАФРЎЗГА ТЎРТ ОШИҚ.
16 да — МАНГУЛИК.
17 да — ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЕРМИЗ.
18 да — ХОТИНИМНИНГ ЭРИ.
20 да — ЕШЛИКДА БЕРГАН КЎНГИЛ.
21 да — ҚИЕФАЛАР ЕКИ ЗАНЖИР.
22 да — ГУЛСАРА.
23 да — ИШОНМАСАНГ ЎЛАМАН...
24 да — ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН.
25 да — ЗАҲАР ИЧГАН ДАЪВОГАР.
27 да — ТОШКЕНТНИНГ НОЗАНИН МАЛИКАСИ.
28 да — ТЎЙДАН ОЛДИН ТОМОША.
30 да — МАНГУЛИК.
31 да — ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН.

СПЕКТАКЛЛАР СОАТ 19.30 ДА БОШЛАНАДИ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 — «Бахтиёр яшанглар». Телевизион ҳужжатли фильм. 10.10 — «Мен — бугун ва эртага». 10.55 — «Опа». Бадиий фильм. 12.30 ва 15.00— Янгиликлар. 15.20 — «Канада». Кинокўрсатув. 15.55 — «Рус тили». 16.25 — Концерт. 17.10 — «Бурунди республикаси бўйлаб». 17.30 — «Ерда, самода ва денгизда». 18.00 — «Расмларда қуёш акси бор». 18.15 — «Ёшлар адреслари». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Мультфильм. 19.50 — «Бойқуш кундузи пайдо бўлади». Бадиий фильм. 21.30 — «Время». 22.00 — Футбол. «Торпедо» («Москва») — «Пахтакор». 23.45 — «Дунё воқеалари».

МТ-II. 9.00—Эрталабки гимнастика. 9.20 — Мультфильм. 9.45 — «Ўрта ҳовлидаги киши». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 10.50 — Табиатшунослик. 11.20 — «Кувноқ стартлар». 12.05 — Э. Межелайтис поэзияси. 12.35 — «Шахмат мактаби». 13.05 — Инглиз тили. 13.35 — «Тоғдаги ертўла сири». 14.50 — Симфоник оркестр ижро этади. 15.30 — «Августнинг бир неча куни...». 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Ҳужжатли фильм. 18.55 — Концерт. 20.30 — «Тунянгиз хайрли бўлсин, киччиқтойлар». 20.45 — Симфоник оркестр ижро этади. 21.30 — «Время». 22.05 — «Причал». Телевизион бадиий фильм. 1-ва 2-серия.

ЎзТВ-I. 11.30 — Болалар учун фильм. 12.00 — Телефильмлар. 13.00 — «Даврининг бошидан кечирганлари». Бадиий фильм. 18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05— Мультфильм. 18.15 — «Ёш сеҳргарлар». 18.50 — Усмирлар ўртасида чим устида хоккей бўйича СССР биринчилиги. Репортаж. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Телефильм. 20.05 — КПСС Марказий Комитети июнь (1983 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга! «Ижтимоий фанларни ривожлантиришнинг актуал масалалари». 20.30 — «Ахборот». 20.50 —Концерт. 21.30 — «Время». 22.00 — «Дунё воқеалари». 22.30 — П. Тлегенов. «Бир фожиа изидан». Телеспектакль. 1-қисм. 23.35 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 17.10 — «Қизил тоғлар хўжайини». Телевизион бадиий фильм. 18.50 — Химия. 19.20 — Кинопрограмма. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «Қишлоқ ҳаёти». 20.40 — «Оқ минорага йўл». Телефильм. 21.00 — Илмий-оммабоп программа. 21.30 — МТ-II.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 07294. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б. 1632. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12